

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Ҳимояга рухсат
Кафедра мудири

2012й. «___» _____

**“ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ КОРХОНАЛАРИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР-
НИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ ВА ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ”
(“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ”АК МИСОЛИДА)**

мавзуида

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

Битирувчи _____ имзо	Ражабов А.Ж. ф.и.ш.
Раҳбар _____ имзо	Нажбиддинов С.Ў. ф.и.ш.
Такризчи _____ имзо	Салибаев Ҳ.Н. ф.и.ш.
ҲФХ бўйича маслаҳатчи _____ имзо	Абдуллаева С.М ф.и.ш.

ТОШКЕНТ-2012

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

«Иқтисод ва Бошқарув» факультети «Иқтисод» кафедраси

Йўналиш: 5340100- Иқтисодиёт (алоқа ва ахборотлаштириш)

ТАСДИҚЛАЙМАН

Кафедра мудири _____

2012й «_____» _____

Талаба Ражабов Акмал Жалиловичнинг «Телекоммуникация корхоналарида инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолаш ва ошириш йўллари» («Ўзбектелеком»АК мисолида)мавзусидаги малакавий битирув ишига

ТОПШИРИҚ

1. Мавзу университетнинг 2011 йил 31 декабрдаги 1228-сонли буйруқ билан тасдиқланган.

2. Ишни ҳимояга топшириш муддати: 04.06.2012

3. Ишга оид дастлабки маълумотлар: Президент асарлари, иқтисодий дарсликлар, қонун, қарор, фармонлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, газета ва журналлар, корхона молиявий ҳисоботи ҳамда интернет маълумотлари.

4. Ҳисоблаш–тушунтириш ёзмалар мазмуни (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати) Кириш. Телекоммуникация соҳасида инвестициялар фаолиятини ташкил этишнинг назарий асослари, Телекоммуникация корхоналарида инвестицияларнинг кириб келиш динамикаси ва уни самарадорлигини баҳолаш, Телекоммуникация соҳасига инвестицияларни жалб қилиш ва самарадорлигини ошириш йўллари. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.

5. График материаллар рўйхати: «Ўзбектелеком» АКга киритилган инвестициялар таркиби, «Ўзбектелеком» АКнинг асосий фондида йўналтирилган инвестициялар таҳлили.

6. Топшириқ берилган сана: 21.01.2012

Раҳбар: _____

ИМЗО

Топшириқ олдим: _____

ИМЗО

7. Ишнинг айрим бўлимлари бўйича маслаҳатчилар:

Қисм	Маслаҳатчи	Имзо, сана	
		Топшириқ берилди	Топшириқ олинди
1	Нажбиддинов С.Ў.	22.01.12	22.01.12
2	Нажбиддинов С.Ў.	02.02.12	02.02.12
3	Нажбиддинов С.Ў.	22.03.12	22.03.12
4	Абдуллаева С.М.	25.04.12	25.04.12

8. Ишни бажариш графиги.

Т/р	Иш қисмларининг номи	Бажариш муддати	Раҳбар (маслаҳатчи) белгиси
1.	Телекоммуникация соҳасида инвестициялар фаолиятини ташкил этишнинг назарий асослари	08.02.12	
2.	Телекоммуникация корхоналарида инвестицияларнинг кириб келиш динамикаси ва уни самарадорлигини баҳолаш («Ўзбектелеком»АК мисолида)	20.03.12	
3.	Телекоммуникация соҳасига инвестицияларни жалб қилиш ва самарадорлигини ошириш йўллари.	22.04.12	
4.	Хаёт Фаолияти Хавфсизлиги	28.05.12	

Битирувчи _____
ИМЗО

2012 йил « ____ » _____

Раҳбар _____
ИМЗО

2012 йил « ____ » _____

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

“Иқтисод ва бошқарув” факультети 111-08 Иу гуруҳ талабаси Ражабов Акмал Жалиловичнинг “Телекоммуникация корхоналарида инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолаш ва ошириш йўллари” (“Ўзбектелеком”АК мисолида) мавзусидаги битирув малакавий ишига

ТАҚРИЗ

Телекоммуникация соҳасига инвестициялар жалб қилишни фаоллаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш йўллари излаш ҳозирги кунда нафақат соҳа, балки, мамлакатимиз иқтисодиёти олдида турган ва ижобий ҳал этиш жиҳатидан ҳам ўта долзарб масала ҳисобланади. Шу боис, А.Ж.Ражабов томонидан битирув-малакавий иши (БМИ) учун танланган мавзу телекоммуникация соҳаси учун катта аҳамиятга эга. Мазкур йўллари илғай билиш, уларни ёритиш ва амалга ошириш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиш ўта муҳимдир.

Талаба А.Ж.Ражабовнинг битирув-малакавий иши ана шу долзарб мавзу бўйича ёзилган бўлиб, кириш, 4 та боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборатдир. Муаллиф биринчи бобда телекоммуникация корхоналарининг молиявий барқарорлигини тامينлашда хорижий инвестицияларнинг ўрни ва аҳамиятини, шунингдек, инвестициялар фаолиятини такомиллаштиришда хориж тажрибасидан фойдаланиш услубларини тадқиқ этган. Иккинчи боб “Ўзбектелеком”АКга киритилган инвестициялар таркиби таҳлилини, компаниянинг асосий фондида йўналтирилган инвестициялар таҳлилини ва жалб қилинган инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолашни амалга оширган. Муаллиф учинчи бобда телекоммуникация соҳага хорижий инвестициялар оқимини кучайтириш чоралари ва уларнинг самарадорлигини ошириш йўллари ҳақида мулоҳазалар келтирган. Якуний тўртинчи боб эса “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” масаласига қаратилиб мавзуга алоқадор жиҳатлари баён этилган.

Мазкур БМИ ни ёзишда муаллиф ўзининг билими, тиришқоклиги, назарий ҳам амалий ёндашувлар олиб бориши намоён этди. Лекин шунга қарамай баъзи имловий хатолар ва амалий тажриба етишмаслиги кўзга ташланади.

Юқоридаги камчиликларга қарамасдан БМИи тўлиқ намунали тугалланган. Унинг муаллифи Ражабов Акмал Жалиловични «Иқтисод»-5340100 йўналиши бўйича бакалавр даражасига лойиқ деб ўйлайман.

“Ўзбектелеком” АК

Халқаро алоқалар ва операторлар билан
ишлаш департаменти
бўлими бошлиғи

Салибаев Ҳ.Н.

Ушбу битирув малакавий ишда телекоммуникация соҳасига инвестициялар фаолиятини ташкил этишнинг назарий асослари кўриб чиқилган. “Ўзбектелеком” АК мисолида жалб қилинган инвестициялар таҳлил қилиниб, уларнинг иқтисодий самарадорлиги баҳоланган. Шунингдек, соҳага инвестицияларни жалб қилиш ва самарадорлигини ошириш йўллари ҳам келтирилган.

В данной Выпускной квалификационной работе рассмотрены теоретические вопросы организации деятельности инвестиций в сфере телекоммуникаций. Проведен анализ инвестиций, привлеченных в деятельность АК «Узбектелеком» и приведена оценка их эффективности. А также предложены методы привлечения инвестиций в деятельность отрасли и пути повышения их эффективности.

In this final qualifying deals with theoretical questions of the organization of investment in telecommunications. The analysis of the investments involved in the activities of “Uzbektelecom” and give an estimate of their effectiveness. As well as proposed methods of attracting investment in the sector and ways to improve their effectiveness.

КИРИШ

Инвестиция сиёсати ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши ва унда ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг энг асосий йўналишларидан биридир. Шундай экан, миллий иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш фаол инвестиция сиёсатини юргизишни талаб қилади. Бу, ўз навбатида, республикада чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишни таъминлайди. Миллий иқтисодиёт соҳаларига ташқи ва ички инвестициялар оқимини фаоллаштириш иқтисодий юксалишнинг янги босқичини бошлаб берадиган асосий омил ҳисобланади. Иқтисодиётда инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш турли тармоқларда турлича олиб борилади.

Алоқа ва ахборотлаштириш тармоғидаги корхоналарда лойиҳалар кўпинча уни техник қайта курулантириш ва электр алоқа тармоғини таъмирлаш, янги хизмат алоқаларини кенгайтириш билан боғлиқ бўлади.

Ватанимиз иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва инвестиция фаолияти тараққиётини таъминлаш қулай инвестиция муҳитини барпо этишни талаб қилади. Ҳукуматимиз томонидан қулай инвестиция сиёсатини олиб бориш мақсадида қуйидаги тамойилларга устувор аҳамият қаратилмоқда: ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш; республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри капитал қўйилмаларнинг кенг жалб қилинишини таъминловчи ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шароитларни янада такомиллаштириш; юртимизга жаҳон даражасидаги технологияларни олиб кирувчи, миллий хўжаликнинг замонавий тузилмасини ташкил этишга қўмаклашувчи чет эл инвесторларига нисбатан қулай шароитлар яратиш сиёсатини изчил олиб бориш; энг муҳим устувор йўналишларга маблағларни йўналтириш¹. Бундан кўринадики, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, замон талабларига мос бўлган товар ва хизматларни ишлаб чиқариш шунингдек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг кейинги салбий оқибатларини бартараф этиш билан

¹ Собиров А. Ўзбекистон Республикасига хорижлик инвесторларни жалб қилиш шакллари. Иқтисодиёт ва таълим, 2011

боғлиқ масалаларни ҳал этишда умумий ёндашувларга эътибор берилмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек, “... жаҳон захира валюталарининг беқарорлиги, молия-банк тизими кредит қобилиятининг кескин пасайиши ва инвестициявий фаолликнинг сусайиши билан боғлиқ мураккаб муаммолар кўплаб давлатлар иқтисодиётнинг тикланиш ва ўсиш суръатларига таъсир кўрсатмоқда”².

Инвестицияларнинг тармоқ тузилиши тахлили кўрсатишича, сўнгги йиллардаги, биринчидан, инвестиция сиёсатида асосий эътибор коммуникация билан боғлиқ секторларни ривожлантиришга қаратилди, иккинчидан, инвестиция тузилишида ноишлаб чиқариш соҳаси улушининг юқорилигига эришилди, учинчидан, жами инвестицияларда давлат улушининг катта бўлиши таъминланди. Бу билан давлат нафақат бош ислоҳотчи, балки бош инвесторлик вазифасини ҳам ўтади.

Иқтисодиётга киритилаётган инвестиция миқдори ва унинг динамикаси мамлакатдаги иқтисодий ўсиш суръатларини белгиловчи асосий омиллардан бири бўлиб, мазкур омил, ўз навбатида, инвестиция ресурслари манбаларининг таркибий тузилишига ва унинг барқарорлигига боғлиқдир. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестиция ресурслари манбалари макро ва микродаражада фарқланишидан қатъий назар, мамлакат инвестиция бозорида ўзига хос мавқеига ва иқтисодий чегараларига эга. Бозор муносабати шароитида инвестиция ресурслари манбалари ичида кредитлар ўта муҳим стратегик аҳамиятга эгадир. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг ўз маблағ манбалари чекланган бўлиб, улар, асосан, жорий харажатларни қоплаш учун сарфланади, қолган қисми эса чекланган маблағ сифатида инвестиция фаолиятини чегаралаб қўяди. Шу боис ҳозирда инвестиция ресурслари бозорида таклифни, нафақат, барқарорлаштириш, балки етарли миқдорда ошириш учун унинг манбалари таркибида давлат улушини камайтирган ҳолда чет эл инвестицияларини ошириш мақсадга

² Ислон Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Тошкент: Ўзбекистон, 2012

мувофикдир.

Телекоммуникация соҳасининг асосий мақсадларидан бири ҳам соҳага жалб қилинган инвестициялар таркибида хорижий сармояларнинг улушини кўпайтириш ва унинг самарадорлигини оширишдир. Юқорида келтирилганларга асосан ушбу битирув малакавий иш мавзуси ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бирига бағишланган.

Битирув малакавий ишнинг асосий мақсади телекоммуникация корхоналарига жалб қилинган инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолаш ва ошириш йўллари излаш ва тегишли хулосалар беришдан иборатдир.

Битирув малакавий ишининг асосий мақсадларига эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш белгилаб олинди:

- Ўзбекистонда телекоммуникация соҳасида инвестициялар фаолиятини ташкил этишнинг назарий асослари;
- Телекоммуникация корхоналарининг молиявий барқарорлигини тامينлашда хорижий сармояларнинг ўрнини ёритиш;
- Инвестициялар фаолиятини такомиллаштиришда хориж тажрибасини ўрганиш;
- “Ўзбектелеком” АКнинг мамлакатимиз телекоммуникация соҳасидаги фаолиятини тадқиқ этиш;
- Компанияга жалб қилинган инвестициялар таҳлилини амалга ошириш;
- Телекоммуникация соҳасида инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш;
- Соҳага инвестицияларни жалб қилиш ва самарадорлигини ошириш йўллари аниқлаш.

Битирув малакавий ишнинг предмети сифатида “Ўзбектелеком” АКнинг фаолияти ва жалб қилинган инвестициялар бўйича асосий кўрсаткичлар олинган.

Битирув малакавий ишнинг объекти сифатида “Ўзбектелеком” АК олинган.

1.ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ СОҲАСИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Инвестициялар ва инвестициялашнинг иқтисодий моҳияти

Президентимиз И.А.Каримов ҳозирги кун мамлакат иқтисодиётида иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири иқтисодиётга хорижий сармояларни янада кўпроқ жалб этишга қаратилганлигини айтиб, хорижий сармояларни жалб этмай туриб, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл сармояси иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналаримизни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар.

Дарҳақиқат, Республика иқтисодиёти ва уни шакллантириш учун чет эл инвестициялари сув ва ҳаводек зарурдир. Инвестиция сўзи немисча «Investition», лотинча «Investio» сўзларидан олинган бўлиб, у капитални узоқ муддатли қўйилмалар тариқасида саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа тармоқларга сарф этиладиган харажатлар йиғиндисидир. Хорижий инвестициялар эса, хорижий инвесторлар томонидан йўналтириладиган инвестициялар бўлиб, хорижий мулкдорларнинг бошқа мамлакат иқтисодиётининг турли тармоқларига (саноат, алоқа, транспорт ва бошқа тармоқлар) даромад олиш мақсадида муайян муддатга қўйилган капиталидир.³ Чет эл инвестициялари ўзга иқтисодиётдан миллий иқтисодиётга жалб қилинган капитал бўлиб, уларнинг ички инвестициялардан тубдан фарқ қилиши хатар билан боғлиқдир (мамлакат хатари, сиёсий хатар, валюта хатари).

Чет эл инвестициялари тўғрисида сўз борар экан, бунда энг аввало инвестиция киритувчи томон ўрнида барча омилларни етарлича таҳлил

³ Маренков Н.Л. Основы управления инвестициями: Учебник. -Москва: Едиториал УРСС, 2003

қилиб олиш керак бўлади: инвестиция киритилаётган мамлакат иқтисодиёти, табиий ва бошқа шарт-шароитлар, ресурслар билан таъминланганлик даражаси ва ҳоказо. Ғарб адабиётларида инвестициялар борасида сўз юритилганда асосий эътибор фонд бозорига қаратилади, чунки ривожланган мамлакатларда инвестициялар асосан қимматли қоғозлар ёрдамида амалга оширилади. Шарқда эса инвестицияларга қуйидагича таъриф берилади: «Реал инвестициялар асосан моддий активларга (ер, ускуналар, заводлар) қилинган инвестициялардир. Молиявий инвестициялар бу қоғозда битилган шартномалардир. Буларга оддий акциялар ва облигациялар киради. Ривожланаётган иқтисодиётда инвестицияларнинг асосий қисми реал инвестицияларга тегишлидир. Ривожланган иқтисодиётда эса инвестицияларнинг асосий қисми молиявий инвестициялаш институтларининг кенг миқёсида ривожланиши реал инвестицияларнинг ўсишига сабабчи бўлади. Инвестицияларнинг бу икки шакли бир-бири билан рақобатлашувчи эмас, балки бир-бирини тўлдирувчидир».⁴

Инвестиция тушунчаси ягона ва тўлиқ тушунча беришлик учун анчагина кенг бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий фаннинг турли қисмларида ва амалий фаолиятнинг турли соҳаларида инвестиция мазмуни ўзининг хусусиятларига эга. Макроиқтисодиётда инвестициялар ишлаб чиқаришда янги воситаларга, турар-жойларга инвестициялар ва моддий захираларининг ўсишига қилинадиган харажатлардан ташкил топадиган ялпи харажатларнинг бир қисми ҳисобланади. Инвестициялар - бу жорий даврда истеъмол қилинмаган ва иқтисодиётда капитал ўсишини таъминловчи ЯИМ нинг бир қисмидир.⁵

Охирги йиллар давомида бозор ислохотларининг зафарли юриши натижасида «инвестициялар» атамаси кенг қўлланиладиган тушунчалардан бири бўлиб қолди. Ҳар тарафлама асосланган, пухта ўйланган

⁴ Козибеков Д.К. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Тошкент: Меҳнат, 2003

⁵ Черкасов В.Е. Международные инвестиции: Учеб. Пособ. -2-е изд. Перераб. и доп.-Москва: Дело, 2003

инвестиция қарорларини инвестицияларини молиялаштиришнинг ишончли манбалари билан чамбарчас боғлиқликда қабул қилиш зарурлигини ва чет эл капиталини жалб қилишнинг кенгайиб бораётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳозирги замон молия назарияси нуқтаи назаридан инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни ва моҳиятини очиб бериш, уларнинг энг муҳим сифат тафсифларини аниқлаш ғоят долзарб масала ҳисобланади. Инвестицияларга аниқ ва равшан таъриф бериш ҳамда уларнинг мулкӣ шакллари, капитал қўйилмалар, капитал, кредит тушунчаларининг фарқларини очиб бериш зарурияти пайдо бўлди.

Замонавий молия назарияси масалалари Ж.Фон Нейман, О.Моргенштерн, Г.Марковиц, Ж.Тобин, В.Шарп, Ф.Модилкяни, М.Миллер ва бошқаларнинг асарларида ривожлантирилган. Молия бозорларининг фаолияти қонуниятлари ва қимматли қоғозларни баҳолаш тўғрисидаги фан сифатида шаклланган бу назария соф келтирилган қийматнинг фундаментал концепциялари, узоқ муддатли активларни баҳолаш моделлари, капиталларнинг самарали бозорлари. Бойликларнинг жамланиб бориши ва қийматнинг сақланиш қонуни, опционлар назарияси ва моҳиятини аниқ очиб бериш учун пул оқимларининг замонавий ва бўлажак қийматларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги даврда «инвестициялар» тушунчаси аксарият ҳолларда кенг маънода ишлатилмоқда. Иқтисод фанларининг турли тармоқларида, амалий фаолиятнинг турли йўналишларида инвестициялашнинг мақсадлари, ҳаракатлар йўналиши, соҳалар хусусиятлари, сафарбар этилиш объектлари, ҳаракат йўналишларидан келиб чиқиб ва ахамиятига қараб «инвестициялар» тушунчаси ўзига хос маънода ишлатилади. Молия нуқтаи назаридан уларнинг мазмун ва моҳиятини аниқ белгилаш муҳим вазифа ҳисобланади. Инвестицияларнинг мулкӣ шаклидаги моддий ва номоддий неъматлар ва уларга бўлган ҳуқуқларни

иқтисодий ва бошқа фаолиятларга жалб этиш эса, бизнинг фикримизча, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларида, инвестициялар эвазига барпо этилган активларни ишлатишдан далолат беради. Молия назариясига кўра, инвестициялар бўлажак натижаларни қўлга киритиш мақсадида, мохиятан ҳозирги харажатларни билдиради. Бизнингча, инвестициялар ноаниқлик эҳтимоли бўлган ва келгусида кутилаётган қийматга капиталнинг аниқ бугунги қийматини алмаштиришдан иборатдир.⁶ Бунинг далили сифатида инвестицияларнинг сафарбар этилишида уларнинг онгли равишда аниқ ва ноаниқ бўлган рисклар билан боғланишини келтириш мумкин.

Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, инвестицияларнинг ҳаракатидан келиб чиқиб замон ва маконнинг алмаштирилиши ва ўзга иқтисодиётга кириб бориши намоён бўлади. Инвестицияларнинг турли шаклларда ўзга иқтисодиётларга кириб бориши янгидан инвестиция фаолиятини йўлга қўйишда, уларнинг тури ва шаклларида қатъий назар, янгидан сафарбар этилишини ва боғланишини билдиради. Миллий иқтисодиёт четдан қўйилма сифатида чет эл капиталини унинг турли шаклларида (пул, товар, мулкый ҳуқуқ, интеллектуал мулк ва бошқалар) қабул қилиши мумкин. Ишлаб чиқариш назарияси ва умуман макроиқтисодиётда инвестициялар янги капитални (ишлаб чиқариш воситаларини ҳамда инсон капиталини қўшиб ҳисобланганда) яратиш жараёнидир. Молия назариясида эса инвестиция деганда реал ёки молиявий активларни олишни тушунилади, яъни бугунги сарфларни мақсади келажакда даромад олиш бўлиб ҳисобланади. Бошқача сўз билан айтганда, инвестициялар - муайян қийматни, бўлиши ноаниқроқ бўлган келажак қийматга алмашишдир.

Хорижий инвестор ўз маблағини бошқа мамлакат иқтисодиётига жалб қилар экан, бунда бирламчи ҳал этилиши лозим бўлган масала-инвестиция киритилаётган мамлакатдаги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий шарт

⁶ Жумаев Н, Бурхонов У. «Молиянинг долзарб муаммолари». Тошкент: Янги аср авлоди, 2003

шароитларнинг инвестиция муҳитига қай даражада таъсир кўрсатишини таҳлилдан ўтказишдир. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, хорижий инвестицияларнинг уларни қабул қилувчи мамлакатлар иқтисодиётидаги ҳажми инвестицион муҳитга боғлиқдир. Инвестицион муҳит-бу яқиний ҳисобда капитал қўйилмалари таваккалчилик даражаси ва улардан самарали фойдаланиш имкониятларини белгилаб берувчи сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, маиший ва бошқа омилларнинг умумийлигидир.⁷

Инвестициялардан даромад ёки фойда икки асосий шаклдан бири сифатида олиниши мумкин: ё жорий даромад ёки маблағлар қийматининг ўсиши кўринишида. Мисол учун, банкнинг жамғарма ҳисобидаги қўйилган пуллар доимий ҳисоблаб бориловчи фоизлар кўринишида жорий даромадни таъмин этса, айти пайтда бўш турган ер участкасини харид қилишга сарфланган пул маблағлар ер участкасини сотиб олиш ва сотиш вақти ўртасидаги участка қийматининг ўсиши сифатидаги даромадни таъмин этади.

Пул маблағларига эҳтиёж сезувчи ортиқча пул маблағлари мавжуд инвестицион жараён иштирокчиларидан маблағларни жалб эта олишлари учун пул маблағлари етказиб берувчиларнинг таваккалчиликларини қоплашлари зарур. Қисқача қилиб айтганда, инвестициялаш етарли даражада равон кечиши учун пул маблағлари таъминотчилари мукофот олишлари, пул харид этувчилар эса бу мукофотни таъмин этишлари лозим.

Молиявий инвестициялар шахсий компаниялар ва давлат идоралари томонидан муомалага чиқарилган акцияларга, облигацияларга бошқа қимматбаҳо қоғозларга ва банк депозитларига, узоқ муддатга жалб қилинган қўйилмалардир. Молиявий инвестициялар қимматли қоғозлар бозорида сарфланишини ва шу бозорда қатнашини англатади. Молиявий инвестицияларнинг асосий қисми, капитални ноишлаб чиқариш соҳасига сарфланишини билдиради. Молиявий инвестиция кўпинча реал

⁷ Жўраев А.С. ва бошқалар. Инвестиция лойиҳалари таҳлили: Ўқув қўлланма.-Тошкент:Шарқ, 2003

инвестицияларнинг манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Молиявий инвестициялар эркин бозор инфраструктураси ривожланган мамлакатларда, қиммат баҳоли қоғозлар бозори капитални соҳалар бўйича тақсимланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган давлатларда кўпроқ тарқалган.

Инвестицияларни жалб этиш ва сарфлаш соҳаларига асосланиб инвестиция фаолияти объектлари туркумини тузиш мумкин.

Инвестиция фаолияти объектлари туркуми инвестицияларни сарфланиш соҳаларига қараб қуйидаги (1.1.1-расмда) ларга бўлинади.



1.1.1-расм. Инвестиция фаолияти объектларининг туркумлаш⁸

Инвесторлар инвестиция фаолиятида соҳалардан бирини ёки бир нечтасини танлаб олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Уларни ҳеч ким соҳа ёки инвестиция объектларни танлашга мажбур эта олмайди. У ёки бу соҳани

⁸ Вахобов А.В., Худойкулов З.Д., Муминов Н.Г. "Инвестициялар" ўқув қўлланмаси. Тошкент: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети, 2004

танлаш ва инвестицияларни маълум бир соҳага сарфлашдаги қарорларни инвесторларнинг ўзлари қабул қиладилар. Бир инвестор, бир нечта тадбиркорлик ва бошқа фаолият билан шуғулланувчи иштирокчи инвесторлар инвестиция фаолияти субъектлари бўлиши мумкин. Инвестиция фаолиятидаги субъектлар инвесторлар бўлиб, маҳаллий ва чет эллик фуқаролар, ҳуқуқий шахслар ёки давлат ҳисобланади. Инвестицияларни амалга оширишни эса, қабул қилинган буюртмаларни бажарувчиси сифатида, инвесторни топшириғи асосида инвестиция фаолиятини иштирокчилари таъминлайдилар.

Инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун улар фуқароларни ва ҳуқуқий шахсларни ўз хоҳишлари билан шартномалар асосида жалб қиладилар.

Амалиётда инвестициялашга турли хил ёндашувлар мавжуд. Улардан бири аниқ мақсадларга эришишга йўналтирилган ҳаракатларни синчковлик билан режалаштиришдан иборат бўлса, бошқа бири биринчисига тескари равишда таваккалчилик асосида қарорлар қабул қилишга асосланади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, инвестициялаш жараёнида рационал ёндашув натижаси одатда анча юқори бўлади. Шунинг учун инвестор дастлаб режа тузиши, сўнгра умумий молиявий мақсадларга мувофиқ тарзда инвестицион дастурни бажариши мақсадга мувофиқдир.

Пул маблағлари жорий эҳтиёжларни қондириш учун сарф этилиши керак эмас, инвестицияларнинг мақсади - жорий пул маблағларидан келгусидаги эҳтиёжларни қондириш учун фойдаланишдир. Инвестор дастлабки шартларни бажариб бўлгандан сўнг, инвестициялашнинг мақсадларини-кутилаётган даромадлилик даражаси билан боғлиқ инвестициялашнинг аниқ муддатларини, ўлчамларини, шаклларини ва таваккалчилиқни аниқлаб олиши лозим.

Молиявий инструментни танлашдан олдин, қўйилма (сармоя) қўйиш нуқтаи назаридан баҳолашни ўтказиши лозим. Баҳолаш жараёнининг натижаси ушбу молиявий инструментнинг даромадлилик, таваккалчилик ва

нархнинг аниқ ўлчамлари бўлиши лозим. Пул қўйиш вариантыни танлаш жуда муҳимдир, чунки бу пайтда инвесторнинг кейинги фаолияти босқичлари аниқланади ва бунга режалаштирилган мақсадларга эришиш кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Энг яхши вариант сифатида энг юқори даромадлилик даражасини таъмин этилиши шарт эмас; таваккалчилик ва солиққа тортиш шартлари каби кўрсаткичлар ҳам сезиларли ўрин тутиши мумкин.

1.2. Телекоммуникация корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлашда хорижий сармояларнинг ўрни

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашиб, савдо йўлидаги тўсиқлар камайиб, солиқ қонунлари ва тартибга солувчи режимлар эркинлашиб бораётган ҳозирги шароитда четдан киритиладиган инвестиция оқимлари тез суръатлар билан ўсмоқда. Бевосита чет эл инвестицияларининг дунё бўйича умумий ҳажми 1980 йилдагига қараганда 14 баравардан зиёд ўсиб, 2005 йил ҳолатига, жами 7 трлн АҚШ долларига етди. Ҳозирги вақтда бутун дунёда 64 мингга яқин мамлакатлараро компаниялар мавжуд бўлиб, улар 870 мингга хорижий шуъба корхоналари фаолиятини назорат қилиб туради. Ушбу корхоналар сотилаётган маҳсулотлар ҳажми тахминан 18 трлн АҚШ долларини ташкил этди. Бу эса ўз навбатида, бутун жаҳон экспорти ҳажмидан 2 бараваридан зиёддир.⁹

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси уларнинг иқтисодий юксалишида фаол инвестиция сиёсати марказий ўринни эгаллашини тасдиқлайди. Шу боис Ўзбекистоннинг ижтимоий -иқтисодий ривожланиш мақсадлари унинг инвестиция сиёсатида тўлиқ акс эттирилишини тақозо этади.

⁹ Солиқ ва божхона хабарлари» молиявий-иқтисодий газета. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси тўғрисида ахборот. 2006 й., 19 декабр

Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари тўғрисида", "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида", "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари унинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Мулкчиликнинг турли шакллари таркиб топиши инвестицияларнинг ривожланишига катта туртки бўлди. Мулкчиликнинг турли шаклларининг вужудга келиши муносабати билан капиталнинг соҳалардаги ўзгарувчанлиги, унинг оқими, ҳудудларга тақсимланиши тезлашди. Чет эл инвесторлари, асосан, даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари деб эътироф этилади.¹⁰

Хорижий инвестициялар - бу чет эл инвесторлари томонидан юқори даражада даромад олиш, самарага эришиш мақсадида мутлақ бошқа давлат иқтисодиётининг, қонун билан тақиқланмаган тадбиркорлик ва бошқа фаолиятларига сафарбар этадиган барча мулкӣ, молиявий, интеллектуал бойликларидир. Чет эл инвестициялари ички инвестициялардан фарқли ҳолда ташқи молиялаштириш манбаига киради. Улар миллий иқтисодиётга четдан, уларнинг келишини рағбатлантирган ҳолда жалб қилинади. Лекин чет эл капиталини жалб қилишнинг ҳамма шакллари ҳам молиялаштиришнинг ташқи манбаи бўлмаслиги мумкин. Бу биринчи навбатда, фоиз тўловлари билан қайтаришни талаб этадиган чет эл кредитлари ва қарзларига таалукли. Чунки, чет эл кредитлари ва ҳалқаро молия институтлари қарзлари маълум вақт ўтгач асосий қарз билан бирга белгиланган фоизларининг қайтарилишини талаб этади. Четдан жалб

¹⁰ Маренков Н.Л. Основы управления инвестициями: Учебник. -Москва: Едиториал УРСС, 2003

этиладиган хорижий инвестициялар билан чет элдан киритиладиган кредитларнинг ўзига хос фарқлари мавжуддир. Бу борада хорижий инвестициялар рисклар доираси билан чет эл кредитлари рисклари кенглиги фарқланади.

"Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонунга кўра Ўзбекистон Республикасида чет эллик инвесторлар қуйидагилар бўлиши мумкин:¹¹

- чет эл давлатлари, чет эл давлатларининг маъмурий ёки ҳудудий органлари;
- давлатлараро битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар;
- чет эл давлатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар, бошқа ҳар қандай ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар;
- чет эл давлати фуқаролари бўлмиш жисмоний шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет элларда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.

Бозор иқтисодиёти ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни мустаҳкамлашга қаратилган чора - тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ҳажми тобора ортиб бораётган хорижий инвестицияларни жалб қилишда ижобий таъсир кўрсатади.


Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида 2007 йил 20 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора - тадбирлари тўғрисида" ги қарори эълон қилинди. Бу қарорга асосан, инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятлари сифатида киритиладиган маблағ ва мулк даромад (фойда),

¹¹ «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги қонуни.- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008й, 52-сон

ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш ҳамда қўшилган қиймат солиқларига тортилмайди, хорижий валютадаги қўйилмалар эса мажбурий тарзда сотилмайди, шунингдек, инвестиция даври мобайнида тузиладиган олди - сотди шартномасига мувофиқ корхонанинг олдинги қарзини қоплаш ҳисоб - рақамига мажбурий тарзда ундириб олинмайди. Бундан ташқари давлат улуши потенциал инвесторларга сотилаётган корхонанинг бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзлари реструктуризация қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бу Қарори тармоқларнинг иқтисодий жиҳатдан юксалиши ва ҳалқаро жаҳон хўжалик муносабатларига интеграциялашувининг ғоят муҳим ва техник қайта жиҳозлашга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш йўлидаги стратегик йўналишини ҳам белгилаб беради.

Шу жумладан, телекоммуникация соҳасини ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти бениҳоят катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади(1.2.1-расм):



1.2.1-расм. Хорижий инвестицияларни жалб этиш аҳамияти¹²

Яъни, ушбу расмни изоҳлайдиган бўлсак:

-биринчидан, хорижий инвестициялар хизмат кўрсатиш учун замонавий техника ва технологияларни жорий этади;

¹² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди интернет маълумотлари асосида

-иккинчидан, янги хизмат турларини амалга тадбиқ этади;

-учинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуроллантиради.

Инвестиция лойиҳалари, аввало, устувор тармоқларга, яъни нефть ва химия саноати, транспорт, энергетика, ер ости қазилма бойликларини ишлаб чиқаришга, қурилиш, телекоммуникация тармоқларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга вауларни кенг қайта ишлашга, туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилиши лозим. Бугунги кунда хорижий инвестицияларни янада кенгрок миқёсда жалб қилиш, хорижий инвесторларни ўз маблағларини мамлакат иқтисодиёти учун сарфлашга қизиқтириш мақсадида қонун асосида улар учун имтиёзли молиявий шароитлар яратилган, жумладан:

-хорижий инвесторлар капиталини сақланиши учун кафолатлар;

-қўрилган зарарларни қопланиши учун кафолатлар;

-солиққа тортиш тизимида уларга оид белгиланган имтиёзлар;

-фойда ва даромадларни хорижга олиб чиқиб кетишнинг эркинлиги;

- миллий сўмда ва чет эл валютасида олинган фойдаларни ўтказиш ва олиб чиқиб кетиш имконияти;

- божхона имтиёзларининг мавжудлиги;

- хорижий инвесторларнинг мулклари ва уларнинг ўзларини хавф-хатарлардан суғуртавий муҳофаза қилиш тизимини яратилганлиги.

Мамлакатимизда хорижий инвесторлар капиталларининг сақланиши ва ҳимоя қилиниши қонун томонидан таъминланади. Инвестициялар ва инвесторларнинг бошқа активлари давлат мулкига айлантирилмайди, реквизиция қилинмайди ва мусодара этилмайди.

Хорижий инвестицияларни миллий корхоналарга жалб этишда қуйидаги устувор йўналишларни белгилаш мақсадга мувофиқдир:

✓қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш соҳаларини

ривожлантириш;

✓ минерал хом ашё ресурсларини, шу жумладан, нефть ва газни қазиб чиқариш, қайта ишлаш бўйича экологик ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

✓ транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш;

✓ иқтисодиётнинг барча тармоқларида илм талаб ва жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

✓ туризм соҳасини ривожлантириш, халқаро ва ички туризмнинг замонавий инфратузилмасини яратишга эришиш.

Ўзбекистонда ўтказилаётган иқтисодий сиёсат жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашув жараёнини фақат давлат таркибий тузилиши бўйича эмас, балки хусусий сектор даражасида ҳам жадаллаштиришни назарда тутди. Очик бозорнинг фаолият кўрсатиши учун яратилаётган шарт-шароитлар Ғарб ва Шарқ ишбилармонларининг мамлакатимизга бўлган қизиқишининг ортиб боришини таъминламоқда.

1.3. Хорижий инвестициялар фаолиятини такомиллаштиришда хориж тажрибаси

Хорижий инвесторларнинг Ўзбекистон иқтисодиётидаги иштирок этишлари кенгайиб борган сари, иқтисодий жихатдан етакчи мамлакатлар бўйича таъсирнинг объектив тақсимланиши аниқ бўлиб бормоқда. Айни вақтда, Ўзбекистон инвестиция бўйича шериклар доирасини кенгайтира бориб ва уларни мамлакат иқтисодиётини таркибан ўзгартиришга, корхоналар ҳамда ишлаб чиқаришларни техника билан қайта қуроллантириш ва янгилашга жалб этиб, кўп сохаларда ютуқларга эришмоқда.

Минтақа иқтисодиётини инвестициялаш бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш, капитал маблағларнинг минтақага киритилиши икки йўналишда амалга оширилишини аниқлаш имконини беради. Биринчиси, ички капитал маблағларни иқтисодиётга жалб этиш асосида олиб борилса, иккинчи йўл ташқи инвестицияларни иқтисодиётга киритилишини назарда тутди. Минтақа иқтисодиётига ички капитал маблағларнинг киритилиши, биринчидан, маҳаллий корхона ва тадбиркорлар томонидан олиб борилса. иккинчидан, минтақа бошқарув идораларининг юритаётган инвестиция сиёсати натижасида амалга оширилади.

Биринчи ҳолат, яқин минтақадаги корхона ва тадбиркорлар томонидан инвестициялаш, бугунги кунгача шаклланган ҳудудий инвестицион муҳит нагжасидир. Таъкидлаш жоизки. ушбу жараёнда минтақа иқтисодиётига киритилаётган капитал маблағларнинг сезиларли қисми қўйилди.

Иккинчи ҳолат, минтақа иқтисодиётига капитал маблағлар киритилиши, ҳудудий бошқарув идоралари томонидан ишлаб чиқилган минтақавий дастурлар молиявий ажратмалар аа бошқа тадбирлар билан узвий боғлиқ.

Солиқ имтиёзлари бериш орқали инвестицион фаолиятни рағбатлантириш Франция, Италия, Финляндия ҳамда Грецияда қўлланилади. Бироқ, Европа Хамжамияти (ЕХ) ушбу рағбатдан фойдаланишни корхоналар ўртасида рақобат муҳитининг пасайишига салбий таъсир кўрсатади деб

ҳисоблайди.¹³ Канадада нафақат корхоналарнинг инвестицион фаолиятини рағбатлантириш, балки аҳоли капитал маблағларини ҳам инвестиция жараёнига жалб қилишда солиқ имтиёзларидан фойдаланилди. 1970 йилда мамлакат фуқароларининг уй-жой қурилишига капитал маблағлар йўналтиришларини рағбатлантириш учун солиқ имтиёзлари берилди. Бунда аҳоли даромадидан олинадиган солиқ базаси (чекланган суммагача) уй-жой қурилишига йўналтирилган миқдорга камайтирилди.¹⁴

Минтақа иқтисодиётида инвестицион жараёни жадаллаштиришнинг муҳим жиҳати, бу, банк-молия тизимининг ривожланиши билан боғлиқ. Кўпгина молия институтлари, хусусан банклар ички ва ташқи молия ресурсларини аккумуляция қилиш ва реал секторларга инвестициялашда фаол қатнашадилар.

Шу ўринда айтиш жоизки, хорижий мамлакатларда Ўзбекистондан фарқли ўларок, молия институтларининг кенг қатлами кредит бериш ҳуқуқига эга ва бу кредитлаш жараёнидаги рақобатни кучайтиради. Минтақа инвестицияларига дотация бериш Испания мисолида яққол кўринади. Айтиш жоизки, минтақа инвестицияларига дотация ажратиш механизмини амалиётда қўллаш алоҳида қонун асосида амалга оширилади ва лойиҳаларни бериш, уларни танлаб олиш ва назорат қилиш, иқтисодиёт ва молия вазирлигининг минтақавий офислари орқали олиб борилади. Бунда лойиҳаларни танлаб олишдан устуворлик янги ишчи ўринларини барпо этиш, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш, янги корхоналар учун ишлаб чиқариш хажмининг, амал қилувчи фирмаларга эса, меҳнат унумдорлиги суръатининг ўсиши ва технологик ўзгаришнинг янгилик даражаси ҳамда минтақа маъмурияти томонидан кўплаб-қувватланиш омилларига берилади. Дотация ажратиладиган асосий талабга кўра, ариза топширган фирма томонидан лойиҳа қийматининг камида 30 фоизи молиялаштирилиши зарур.

¹³ «Инвестиционный потенциал Узбекистана» Х. Х. Имомов 3-й Международной научно-практической конференции г. Самара, 20-21 ноября 2003

¹⁴ Котаюбов В.Ю. Инвестиционный потенциал хозяйственной деятельности: Макро экономический и финансово-кредитный аспекты. Учеб. пос. -Москва: МГИМО-Университет, 2004

Францияда «Давлат - минтақа режа пакети асосида инвестицияларга субсидия берилади. Бу ерда, янги шаклланаётган саноат корхоналарига, айрим ҳолларда хизмат кўрсатиш фирмаларига бериладиган инвестиция субсидиялари кўзда тутилиб, ҳар бир яратилган иш ўрни учун қаерда барпо этилганига қараб 50-70 минг франк миқдоригача маблағ тўланган. Ундан ташқари, фирмаларга ажратиладиган субсидия миқдори ялпи инвестицияга нисбатан чегараланган бўлиб, бу нисбий кўрсаткич 17 фоиздан 34 фоизгача белгиланган.¹⁵

Минтақа иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишнинг хориж тажрибасини ўрганиш, ушбу мамлакатларда инвестиция сиёсатини юритишда фойдаланиладиган воситаларнинг қиёсий таҳлилини амалга ошириш имконини беради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, давлатнинг марказий идоралари томонидан Ўзбекистон бўйича минтақа иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишнинг дастак ва воситаларидан фойдаланилади. Ваҳоланки, минтақа бошқарув идоралари доирасида ушбу дастак ва воситалардан фойдаланиш ваколати йўқ. Шунинг учун, минтақада инвестицион жараёнини янада жадаллаштиришнинг муҳим йўналиши айнан давлатнинг марказий идоралари ваюлатидаги воситаларни минтақа бошқаруви даражасига беришдир.

Мамлакат инвестиция муҳитини ижобий баҳолашда авваламбор, сиёсий барқарорликка аҳамият берилади. Мамлакатда ҳукм сураётган сиёсий барқарорлик, инвесторнинг дархол фойда олиш эмас, балки ўз фаолиятини синчковлик билан режалаштириш ва узоқ муддатга мўлжалланган инвестиция лойиҳаларини тузишига замин яратади. Айнан шу омилга асосан, Марказий Осиё мамлакатлари ичида унинг энг барқарор бўлиб қолиши Ўзбекистон инвестиция муҳитининг асосий жиҳатларидан биридир.

Республика хорижий сармоясини таҳлил қилар эканмиз, унда давлат кафолати остида жалб қилинаётган инвестиция ва кредитлар кўпчиликни ташкил этишини кўришимиз мумкин. Бинобарин Президентимиз айтганидек,

¹⁵ Ендовский Д. Л. и др. Практикум по инвестиционному анализу. Учебное пособие. -Москва: ФИС., 2003

“Бугунги кунда чет эл инвестицияларининг асосий қисми бевосита ҳукумат кафолати остида мамлакатимизга киритилаётгани бизни қониқтирмайди”.¹⁶

Давлат инвестиция дастурларини молиялаштириш учун ташқи қарзларни камайтира бориш керак. Албатта, мазкур қарз маблағлари иқтисодий тизим қайта кўриш дастурини молиялаштириш, ижтимоий сектор, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва қўллаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш лойиҳаларини молиялашга хизмат қилсада, уларнинг мақсадсиз ва самарасиз ишлатилиши мамлакат ташқи қарзининг ошиши ва иқтисодиётда инфляция жараёнларининг жадаллашувига сабаб бўлиши мумкин.

Бу эса, ўз навбатида, уларнинг иқтисодий қарамлигини оширади, бундан ташқари миллий валютанинг девалвацияланиши таъсирида ташқи қарз янада қимматлашишига сабаб бўлади. Миллий иқтисодиётга қарз маблағларини жалб қилишдан кўра, хусусийлаштирилаётган корхона, ташкилот ва хусусий корхоналарга хорижий инвесторни мустақил равишда жалб қилиниши учун имконият яратиб бериш зарур.

Давлат кафолати остида жалб қилинаётган сармояни эса илм-фан соҳаси, янги технологияларни жалб қилиш ва уларни яратишга қаратиш даркор. Чунки, хусусий инвесторининг бу каби узоқ муддатли қўйилмаларга бўлган қизиқиши паст бўлади.

Шунингдек, хусусий хорижий инвестицияни жалб қилиш тизимини соддалаштириш зарур. Хозирги пайтда янги ташкил этиладиган қўшма корхоналар низом жамғармасига нисбатан меъёр ўрнатилган бўлиб, у хозирги кунда 150 минг АКШ долларини ташкил этади.

Республикаимизда ички маблағларнинг етарли даражада эмаслиги кўшимча сармоя жалб қилишнинг мукамал тизимини жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш, реал секторни зарурий маблағлар билан таъминлабгина қолмай, балки замонавий технология ва иш юритиш

¹⁶ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясидаги маъруза 1999 йил 14 апрел

малакасини татбиқ этишда самарали ҳисобланиб, келгусида у иқтисодий ўсишга замин яратишда ва жаҳонда республикамиз нуфузининг ортишига хизмат қилади.

Умуман олганда, иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишда, юқорида таъкидланганидек, турли молиявий инструментлардан фойдаланиш бир қатор ривожланган мамлакатлар тажрибасида синалиб, ўзининг ижобий натижасини кўрсатган. Шу сабабдан ҳам, мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвесторларнинг эркин кириб келишларида уларга етарли шароит яратиб бериш - истиқболдаги молиявий барқарорликни таъминлаб берувчи энг муҳим омиллардан бўлиши шубҳасиз.

2. ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ КОРХОНАЛАРИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ КИРИБ КЕЛИШ ДИНАМИКАСИ ВА УНИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

2.1. “Ўзбектелеком” АКнинг мамлакатимиз телекоммуникация соҳасидаги фаолияти

Республикаимиз телекоммуникация бозорини ривожланиши, телекоммуникация тармоқларини рақамлаштириш, замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш янги авлод тармоқларини яратиш, янги типдаги хизматларни кўрсатиш, хизматларни истеъмолчи талабига кўра конвергент ҳолатларда таклиф этиш имкониятларини яратмоқда. Янги авлод NGN (Next Generation Network- кейинги авлод тармоғи) тармоғининг шаклланиши телекоммуникация соҳасида 50 дан ортиқ янги ва қўшимча хизматлар кўрсатиш имкониятларини яратди, кўп каналли рақамли телевидение, катта тезликдаги кенг полосали интернетга уланиш, “triple play” хизматларини кўрсатиш имкониятларини яратади.

Республика телекоммуникация хизматлари бозорида бир нечта йирик ва турли хилдаги майда телекоммуникация операторлари фаолият кўрсатмоқда. “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси ҳозирги кунда Ўзбекистон телекоммуникация бозоридаги йирик операторлардан бўлиб, турли йўналишларда хизмат кўрсатувчи универсал компаниялардан биридир. У бутун республикани замонавий технология асосида қурилган телекоммуникация тармоғи билан қоплаб, уяли алоқа ва мутлоқ алоқа провайдерларига ва операторларига каналларни ижарага бериш, халқаро ва шаҳарлараро алоқа, маълумотлар узатиш, интернет тармоғига уланиш, видеоконференция алоқаси хизматларини кўрсатади, шу билан бирга телевизион ва радио дастурларини узатиш учун каналларни ташкил этади.

Бугунги кунда компания 22 филиалдан иборат бўлиб, улар 14 та

регионал ва 8 та махсус филиаллараро ва 3 та шўба корхоналари мавжуд.

Компаниянинг маҳаллий телекоммуникация тармоғида 2000дан ортиқ АТС лар мавжуд бўлиб, умумий монтаж сифими 2 080,7 мингдан ортиқ портни ташкил этади. АТСларнинг рақамлаштириш даражаси 2010 йил декабр ҳолатига кўра 93,7 % ни ташкил этади. Маҳаллий телекоммуникация тармоғини рақамлаштириш электралоқа тармоқлари фаолияти сифатини оширишга, тармоқ абонентларига янги хизмат турларини кўрсатиш имконини яратади, шу билан бирга юқори тезликдаги кенг полосали интернет тармоғига уланиш имконини бери.

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси замонавий, бутун мамлакат бўйича тарқалган телекоммуникация транспорт тармоғига эга. Бугунги кунда барча алоқа каналлари 100% рақамлаштирилган тизимли база асосида фаолият юритмоқда.

“Ўзбектелеком” АК телекоммуникация ускуналарини ишлаб чиқарувчи компаниялар, чет эл операторлари билан ҳамда халқаро телекоммуникация уюшмаси (ITU) билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик олиб бормоқда. Шу билан бирга “Ўзбектелеком” АК Минтақавий алоқа уюшмаси (РСС) ва “Интелсат” спутник алоқаси ташкилотилари ҳамкорлигида бир нечта муваффақиятли проектлар амалга оширмоқда.

Кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш ва янги хизмат турларини кўпайтириш мақсадида, босқичма-босқич юқори тезликдаги маълумотлар узатиш тизимига ўтилмоқда. Хусусан, DWDM ускунаси асосида телекоммуникация тармоғида Тошкент шаҳри ва Трансазия-Европа оптик толали алоқа линияси (ТАЕ ВОЛС) қурилди. Бу эса ўз навбатида кўрсатилаётган хизматларнинг сонини ортишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунга келиб, компаниянинг республика ахборот коммуникациялари бозорида рақобатчиларининг сони кун сайин ортиб бориши, компаниянинг ҳар томонлама ривожланишига, хизматларнинг

рақобатбардошлигини ошишига, доимий равишда сифатли ва янги хизматлар кўрсатишига асосий туртки бўлмоқда.

Сўзимизнинг исботи сифатида, компаниянинг маҳаллий ҳамда халқаро телефон алоқаси, шу билан бирга рақамли АТСлар имкониятларидан фойдаланган ҳолда қўшимча хизматларни тақдим этиш борасида рақобатчи компаниялар - “EAST TELECOM” МЧЖ, “BUZTON” МЧЖларни келтиришимиз мумкин.


Мобил алоқа хизматлари йўналишида, компанияда 2004 йилдан CDMA-450 стандарти асосида маълумотлар узатиш ва мобил алоқа тармоғи ишга туширилган бўлиб, 2004 йил апрель ойидан бошлаб “Ўзбектелеком Мобайл” филиали республика миқёсида мобил алоқа хизматларини кўрсатмоқда. Мобил алоқа хизматларини таклиф этишда компания қуйидаги рақобат муҳитида фаолият кўрсатмоқда: “MTS”, “BILAYN”, “UCELL”, “PERFECTUM MOBILE”.

Республика ахборот коммуникация технологиялари соҳасининг ривожланиш тенденцияларини назорат қилиш, уни олдиндан кўра билиш ёки тахмин қилиш орқали телекоммуникация операторлари юқорида келтирилганидек миждозларни сақлаб қолиш мақсадида комплекс хизматларни таклиф этиш, сервис хизматларини ривожлантириш, қўшимча хизмат турларини кенгайтириш ва янги интеллектуал хизматларни жорий қилиш сиёсатини қўллашмоқда. Бу ўз навбатида, бир томондан компанияларнинг рақобатбардошлигини оширса, иккинчи томондан уларнинг даромадларини ошишига олиб келмоқда.

Айниқса, телекоммуникация бозорига чет эл инвестицияларининг киритилиши, соҳанинг барча йўналишида, хусусан “Ўзбектелеком” АКнинг ривожланишига катта туртки бўлди.

Жалб қилинган инвестициялар натижасида оптик толали алоқа линияси ва йўлдошли алоқа каналлари орқали телефон трафиғи алмашуви, Интернет хизматлари, шунингдек каналлар ижараси, халқаро бепул қўнғирок

хизматлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, “Ўзбектелеком” АК телекоммуникация тармоғи чегара олди давлатлари телекоммуникация тармоқлари билан туташ жойларга эга. Компания бўйича ўн тўртта давлат, ўн тўққизта операторлар билан жами 7 200 халқаро телефон каналлари ташкиллаштирилган. Натижада, интернет каналлари сиғимини ошганини ҳам кузатишимиз мумкин(2.1.1-расм).



2.1.1-расм. Халқаро интернет каналлар сиғими, Мбит/сек¹⁷

“Ўзбектелеком” АКнинг халқаро интернет каналлари сиғими кўрсаткичлари ҳам талабга монанд йиллар мобайнида сезиларла даражада ижобий ўзгаришни ўзида намоён этган, яъни 2010 йил давомида Интернет канали сиғими 2009 йилдаги 1270 Мб/сдан 2510 Мб/сга етказилди. Бу натижа 2008 йилдагига қараганда уч баробар кўп бўлиб, Интернет хизматларини оммага янада сифатлироқ тақдим этиш имконини яратди.

“Ўзбектелеком” АК йўлдошли алоқа тизими халқаро операторлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Маълумки бу каби провайдер, оператор ёки субпровайдерлар юқори тезликдаги интернет хизматларини кўрсатиш орқали, ўз молиявий кўрсаткичлари ҳажмини ижобий ўзгаришга

¹⁷ Махмудов М. “Ўзбектелеком” АКнинг 2010 йил ижтимоий иқтисодий ривожланиш якунлари тақдироти асосида тайёрланди

интилишади. Ўз навбатида “Ўзбектелеком” АК ҳам мижозларга хизмат кўрсатиш асосида даромадлар миқдорини ошириб келмоқда.

2.1.1-жадвал

Юқори тезликли интернет хизматларининг ўзгариш тенденцияси¹⁸

Йиллар	Интернет абонентлари сони, дон	Интернет хизматларидан олинган даромад, млн.сўм
2008й.	5891	6 168,2
2009й.	16842	10 256,9
2010й.	40066	16 664,4

Кузатиш мумкинки юқори тезликли интернет хизматларидан фойдаланувчи абонентлар ҳажми 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 2,5 баробарга ошган, яъни 40 066 тани ташкил этади. Натижада, компаниянинг бу хизматдан олган даромади 2010 йилда 16 664,4 млн.сўмни ташкил этиб, 2008 йилда келиб тушган даромаддан 10000,0 млн.сўмга ошган.

Компаниянинг 2010 йил фаолиятини тахлил қилар эканмиз, амалга оширилган ишлар билан бир қаторда қуйидаги камчиликлар мавжудлигини таъкидлаб ўтиш лозим:

- “Ўзбектелеком Мобайл” филиали симсиз алоқа тармоғи абонентларининг сони ортиб бориши жуда суст даражада.
- Соф фойда даражаси паст, бунинг натижасида, инвестиция салоҳияти ҳам паст.
- “Ўзбектелеком” АК шаҳарлараро телефон алоқаси тарифларини ўрнатишда рақобатчилар (мобил алоқа операторлари) нархлари ҳисобга олинмаган.
- Интернет бозоридаги ўз улушини ошириш ва қўшимча хизматларни

¹⁸ Муллиф томонидан ишлаб чиқилди “Ўзбектелеком” АКнинг йиллик ҳисоботлари асосида

ривожлантириш бўйича ишлар етарли даражада эмас. Кенг полосали маълумотлар узатиш хизматлар (ШПД) бозорида Компаниянинг улуши жуда кам, жумладан Тошкент шаҳрида 15%, республика бўйича 30%дан кам.


Бу камчиликларни ҳисобга олган ҳолда ушбу илмий ишда компанияга инвестицияларни кенг жалб қилиш ва уларни самарадорлигини оширишга қаратилган чора тадбирлар бир неча камчиликларини бартараф этишга ёрдам беради. Шу жумладан, янги хизматларни кўрсатишда технологиялардан унумли фойдаланиш ва бу муаммонинг ечими натижаси сифатида “Ўзбектелеком” АК даромадини ошириш кўзда тутилган.

Корхонанинг рақобатбардошлигини ошириш масаласида компания ҳамма йўналишларда ўз рақибларидан устун кела олмайди. Шу билан бирга рақобатбардошликни оширишнинг комплекс чора тадбирларини қўллаш бир қанча мушкул вазифа.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда, қолаверса, бутун дунёда мутлоқ алоқа абонентлари базасининг ўсиш суръатлари пасайиб бормоқда. Бундай пасайиш 2001 йилдан бошлаб кўпгина ривожланган мамлакатларда кузатилмоқда. Мутлоқ алоқа операторлари олдида абонентлар сонини кўпайтириш эмас, балки уларнинг сони камайиб кетмаслигини олдини олиш яъни, мавжуд миқдорларни сақлаб қолиш муаммоси қўйилган. Бу муаммодан келиб чиққан ҳолда мутлоқ алоқа операторлари фаолиятининг замонавий босқичидаги ривожланиш кенг миқёсдаги қўшимча хизмат турларини таклиф этиш ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилишга қаратилган. Абонентларга маҳаллий телефон алоқаси билан бирга қуйидаги хизматлар таклиф этилади:

- халқаро ва шаҳарлараро алоқа хизматлари;
- IP- телевидения;
- Қўшимча хизмат турлари;
- Кенг полосали маълумот узатиш ва интернет хизматлари;
- Call-center хизматлари.

Халқаро ва шаҳарлараро алоқа хизматларидан тушадиган даромад кўрсаткичлари аксарият телекоммуникация операторларининг асосий даромад манбайи сифатида шаклланиб келган, аммо жамиятни ахборотлаштириш жараёнида интернет ва маълумот узатиш хизматларига бўлган талабнинг ўсиши, IP- телефония, “triple play” каби янги хизмат турларини пайдо бўлиши, уларнинг нархи шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқасига нисбатан арзон бўлганлиги мазкур хизматлардан олинаётган даромадларнинг пасайишига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бу ҳолатни 2.1.2-расмда келтирилган маълумотларда ҳам яққол кўришимиз мумкин.




2.1.2-расм. 2009 -2010 йилларда “Ўзбектелеком” АК даромадларининг таркиби¹⁹

2.1.2-расмда келтирилган маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, 2010 йилда IP- телефония, интернет ва маълумот узатиш хизматларига бўлган талабнинг ўсиши натижасида компания даромадлари ушбу хизматлар бўйича 2009 йилдагига қараганда 7 млрд.сўм ошган. Шунингдек, бошқа хизматлардан келадиган даромадлар ҳам ошган. Аммо, шаҳарлараро ва

¹⁹ Махмудов М. “Ўзбектелеком” АКнинг 2010 йил ижтимоий иқтисодий ривожланиш якунлари тақдими асосида тайёрланди

ҳалқаро алоқа хизматларидан 2010 йилда 41,8 млрд.сўм даромад келиб тушган бўлиб, бу 2009 йилда ушбу хизмат бўйича келиб тушган даромаддан 12,4 млрд.сўмга камайган.

Маълумки, хизматлардан олинадиган даромадлар таркибида ҳалқаро хизматлар алоҳида аҳамият касб этади. Бу кўрсаткич компаниянинг экспорт салоҳиятини кўрсатади. Хизматларни экспорт ва импорт ҳажмини ўзгариши ҳақидаги таҳлилий маълумот 2.1.3-расмда келтирилган.



2.1.3-расм. Экспорт ва импорт ҳажмининг ўзгариши, млн. ақш долл²⁰

2.1.3-расмда келтирилган экспорт ҳажмининг ўзгариши таҳлилига кўра 2008 йилда экспорт ҳажми 42,6 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилга келиб экспорт ҳажми 54,3 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Шунингдек, импорт ҳажми ҳам 2009 йилда 23 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2010 йилда 20,3 млн. АҚШ долларига камайган, яъни 20,3 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Бу кўрсаткич орқали соҳани ривожланиш тенденциялари ижобий томонда эканлигини кўриш мумкин.


²⁰ Махмудов М. "Ўзбектелеком" АКнинг 2010 йил ижтимоий иқтисодий ривожланиш якунлари тақдими асосида тайёрланди

Сўнгги йилларда “Ўзбектелеком” АКнинг даромад кўрсаткичлари илдамлик билан ўсиб бормоқда, аммо компаниянинг харажат кўрсаткичлари ҳам ўсмоқда. Бу типдаги ўсиш суръатлари кузатилишининг асосий сабаби қилиб, “Ўзбектелеком” АК томонидан жаҳон телекоммуникация технологиялари ютуқларини ўзининг телекоммуникация тармоғида жорий этиш, инвестициялар миқдорини ошириш орқали янги технологияларни келтириш ва бу орқали республика аҳолисига янги телекоммуникация хизматларини тақдим этишни асосий мақсад қилиб олган. Бунинг учун албатта, инвестициялар фаолиятини такомиллаштириши ва улардан самарали фойдаланмоғи лозим.

2.2. Компанияга жалб қилинган инвестициялар таҳлили

Мамлакатда инвестицион муҳитни мувофиқлаштириш ва инвестицион жараёнларни жадаллаштириш шароитида иқтисодийтимизни либераллаштириш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш АКТ муҳитининг роли кундан-кунга ортиб боришини таъминламоқда. Ўзбекистон Республикасида АКТ соҳаси халқ хўжалиги муҳитида ривожланиб бораётган асосий тармоқлардан бири ҳисобланади. Алоқа корхоналарининг асосий қисми ўзлик маблағлари ва хорижий кредитлардан таркиб топган ҳамда тармоқда жалб қилинган инвестицияларнинг реализацияси шароитида салмоқли иқтисодий натижаларга эришиш, энг аввало биринчи даражали лойиҳаларни чуқур таҳлил қилишни ва оқилона ечимлар ишлаб чиқишни талаб этади. АКТ соҳаси тармоқда жалб қилинган сармояларнинг жуда тез суръатларда ўзини қоплашини таъминлаб берувчи юқори даромадли соҳалардан бири ҳисобланади. АКТ соҳасига жалб қилинадиган инвестициялар ва чет эл кредитлари тармоқни қайта таъмирлаш, техник томондан қуроллантириш, янги технологияларни киритиш ва юқори сифатли хизмат турларини кўрсатишга имконият яратиб беради.

Охирги йилларда иқтисодиётнинг транспорт ва алоқа тармоқларининг асосий капиталига киритилган инвестициялар улуши бироз пасайган. Яъни, бу кўрсаткич умумий ҳолда 2009 йилдаги 31,4 %дан 2010 йилда 29,2 %га тушган. Хусусан, телекоммуникация корхоналарига киритилган сармоялар тебранувчи тенденцияга эга бўлиб, буни “Ўзбектелеком” Аксиядорлик Компаниясига 2007-2010 йилларда киритилган инвестициялар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.



2.2.1-расм. “Ўзбектелеком”АКга киритилган инвестицияларнинг ўзгариш динамикаси, млн.сўм²¹

2.2.1-расмдаги маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, 2010 йилда компанияга 2009 йилдагига қараганда 12913,4 млн.сўм кам инвестиция киритилган. Бу 2007- 2008 йилларда жалб қилинган инвестициялардан ҳам паст натижа. Бунинг учун албатта, соҳанинг асосий хизмат кўрсатиш объектларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги марраларни эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатдошлигини таъминлайдиган замонавий инновация технологияларини жорий қилиш бўйича мақсадли лойиҳалар ишлаб чиқиб, тармоққа киритилаётган инвестициялар ҳажмини ўстириш зарур.

²¹ Махмудов М. “Ўзбектелеком” АКнинг 2010 йил ижтимоий иқтисодий ривожланиш яқунлари тақдими асосида тайёрланди

АКТ соҳасида инвестицион фаолиятни ривожланиши нафақат маҳаллий телекоммуникация корхоналари ўртасида кучли рақобат муҳитини шакллантириди, балки корхона даромадларининг ошишига сабаб бўлади.

“Ўзбектелеком” АК янги жалб қилинаётган капиталларни миқдорини ва удардан келадиган даромади юқори бўлиши учун киритилган инвестициялардан самарали фойдаланиш лозим бўлади. 2.2.1-жадвалда “Ўзбектелеком”АКга 2007-2010 йиллар давомида жалб қилинган инвестициялар таркиби келтирилган.

2.2.1-жадвал

**2007-2010 йиллар давомида “Ўзбектелеком”АКга киритилган
инвестициялар таркиби, млн.сўм²²**

<i>Кўрсаткичлар</i>	<i>2007й.</i>		<i>2008й.</i>		<i>2009й.</i>		<i>2010й.</i>	
	<i>Млн. сўм</i>	<i>%да</i>	<i>Млн. сўм</i>	<i>%да</i>	<i>Млн. сўм</i>	<i>%да</i>	<i>Млн. сўм</i>	<i>%да</i>
<i>Жами, жумладан:</i>	39091,3	100	46857,0	100	47468,4	100	34 555,0	100
<i>Ўзлик маблағлари</i>	15886,7	40,7	41142,0	87,4	47349,5	99,7	24369,6	70,6
<i>Лизинг асосида</i>	20155,0	51,5	2991,0	6,6	-	-	-	-
<i>Чет эл кредитлари ва инвестициялар</i>	2941, 0	7,5	2654, 0	5,3	-	-	10011,6	28,97
<i>Жалб қилинган маблағлар</i>	108,5	0,3	70,0	0,3	118,8	0,25	173,8	0,5

Юқоридаги жадвалдан кўришимиз мумкинки, 2007 йилда жалб қилинган сармояларнинг асосий қисмини, яъни 51,5 %ни лизинг асосида киритилган маблағлар ташкил қилган. 2008 йилга келиб эса жалб қилинган 46857 млн.сўм маблағнинг 87,4 %ини ўзлик маблағлари ташкил этган. Кейинги йилларда ҳам киритилган инвестицияларнинг асосий қисмини ўзлик маблағлари ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин. 2007-2010йиллар

²² Муллиф томонидан ишлаб чиқилди “Ўзбектелеком” АКнинг йиллик ҳисоботлари асосида

давомида жалб қилинган сармояларда хорижий инвестицияларнинг улуши паст ва ҳаттоки, 2009 йилда умуман киритилмаганлигини кўришимиз мумкин. Бунга сабаб 2008 йилда бутун дунёда бошланган жаҳон молиявий иқтисодий инқироzi сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Ўзбекистон иқтисодиёти 1996 йилдан бошлаб, иқтисодий ўсиш босқичига ўтди ва бу ҳолат то ҳозирга қадар давом этиб келмоқда. Шундай бўлсада, мамлакат иқтисодиёти олдида жорий вақтда иқтисодий ўсиш сифатини оширишдек долзарб муаммо турибди. Чунки, бугунги кунда ЯИМ таркибидаги саноат, қурилиш ва алоқа каби иқтисодий ўсишнинг сифатини белгиловчи тармоқлар улушини ошириш зарур. Тармоқларнинг бу муаммоси асосини ҳозирда фойдаланилаётган техника-технология даражасини халқаро талаб даражасидан пастлиги, асосий воситаларнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан эскирганлиги ташкил этади. Бу масалани ҳал этиш негизида асосий ишлаб чиқариш фондларига киритилаётган инвестициялар улушини ўстириш, улардан самарали фойдаланиш зарур.

Алоқа соҳаси ишлаб чиқариш фондларининг 93 %ни асосий ишлаб чиқариш фондлари ташкил этади. Бу соҳадаги корхоналар асосий фондларининг хусусиятларидан бири бу ишлаб чиқариш бинолари, қурилмалар, узатиш ускуналари, машина ва бошқа жиҳозларнинг техник жиҳатдан эскириши ва истеъмол қийматини йўқотиши ҳисобланади. Шунини ҳисобга олган ҳолда асосий фондларни модернизациялаш ва қайта қуришда компанияга кириб келаётган инвестицияларни тўғри тақсимлаш лозим бўлади. 2.2.2-жадвалда келтирилган “Ўзбектелеком” АКнинг асосий фондига киритилган инвестицияларни таҳлил қилсак.

2.2.2-жадвал

“Ўзбектелеком” АКнинг асосий фондига йўналтирилган инвестициялар

таҳлили, млн.сўмда²³

Кўрсаткичлар	2007 йил		2008 йил		2009 йил		2010йил	
	<i>Млн.сўм</i>	<i>%да</i>	<i>Млн.сўм</i>	<i>%да</i>	<i>Млн.сўм</i>	<i>%да</i>	<i>Млн.сўм</i>	<i>%да</i>
Жами киритилган инвестициялар	39 091,3	100	46 857,0	100	47 468,4	100	34 555	100
Асосий фондга йўналтирилган инвестициялар	36 137,0	92,4	37 844,2	80,7	47 468,4	100	34 555	100

2.2.2-жадвални таҳлил қиладиган бўлсак, 2007 йилда “Ўзбектелеком” АКга 39091,3 млн. сўм инвестиция киритилган бўлиб, шунини 92,4 %ни, яъни 36137 млн. сўм маблағ асосий фондларга йўналтирилган. 2008 йилда эса жалб қилинган инвестицияларнинг 80,7 %и асосий фондлар учун сарфланган. 2009-2010 йилларга келиб эса киритилган инвестицияларнинг 100%и асосий фондларни модернизациялаш ва қайта қуришга сарфланган. Бу ҳолатни йилдан йилга жаҳон бозорида янгиланиб бораётган техника технологияларни олиб кириш ва уни “Ўзбектелеком” АКнинг республикамиздаги барча филиалларига татбиқ этилаётгани билан изоҳлашимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 20 январдаги “Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1041–сон қарорига асосан, республикамизда замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг илдам ривожланишини таъминлаш, шу асосда иқтисодийётнинг барқарор ҳамда жадал тараққий топиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва Республика минтақаларининг табиий ҳамда иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, шунингдек янги иш ўринларини шакллантириш ва аҳолининг, айниқса ёшларнинг бандлигини, одамларнинг даромадларини ошириш ва фаровонлигини юксалтириш мақсадида ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори

²³ Муллиф томонидан ишлаб чиқилди “Ўзбектелеком” АКнинг йиллик ҳисоботлари асосида

бажарилишини таъминлаш мақсадида “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси томонидан 2009-2010 йилларда бир қатор лойиҳалар амалга оширилди.

Жумладан, энг йирик лойиҳалардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 7 октябрдаги “Қишлоқ ҳудудларида “Ўзбектелеком” АК ахборот-коммуникация тузилмасини ривожлантириш” инвестиция лойиҳаси тўғрисида”ги ПҚ-1200-сон қарорига асосан қишлоқ телекоммуникация тармоғини ривожлантириш қишлоқ аҳолиси ва инфратузилма объектларини сифатли телефон алоқаси билан таъминлаш мақсадида, "Ўзбектелеком" АК томонидан CDMA-450 симсиз алоқа технологияси асосидаги тармоғини кенгайтириш лойиҳаси амалга оширилди.

Лойиҳанинг асосий мақсади телефонлаштирилмаган қишлоқ аҳоли масканларини (27%) янги технология - симсиз алоқа (CDMA, WiFi, WiMax va CDMA-WLL) асосида ривожлантиришдир.

Мазкур лойиҳанинг асосий қисми CDMA-450 стандартидаги симсиз тармоғни кенгайтириш бўлиб, Самарканд, Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё, Сурхандарё, Андижон, Наманган, Фарғона ва Тошкент вилоятларига 70 та база станциялари монтаж килинди.

Амалга оширилаётган инвестицион лойиҳаларнинг асосий авзалликлари қуйидагилардан иборат:

- Аҳоли ва ташкилотларга жаҳон стандартлари даражасида алоқа кўрсатишни таъминлаш;
- Оптик-толали алоқа соҳасида янги технологияларни эксплуатацияга жорий этиш;
- Операторга янги спектрдаги замонавий хизматларни кўрсатиш имкониятини берувчи кириш технологияси;
- Корхона даромадларини янги хизмат турларини жорий этиш орқали кўпайтириш;
- Абонентлар ва салоҳиятли фойдаланувчиларга юқори кафолатли

сифатли IP-телефония, видеоконференция, IP-телевидения хизматларини кўрсатиш.

- Симсиз технологияларга асосланган лойихаларни амалга оширилиши чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳоли ва хизмат кўрсатаётган ташкилотларни замонавий ва сифатли алоқа билан таъминлаш, линия-кабел хўжаликларининг ўғирланиши ва шикастланиши туфайли телефон алоқасининг иш сифатини пасайиб кетишини олдини олиш ва уни барқарор ишлашини таъминлаш имконини беради.


Хулоса қиладиган бўлсак, реал инвестицияларни “Ўзбектелеком”АКга киритишни кучайтириш керак. Бунинг натижасида бир томондан, компаниянинг асосий воситалари замонавий технологиялар билан янгиланса, иккинчи томондан, аҳолига хизмат кўрсатиш ва алоқа сифатини ошишига тўртки бўлади. Айниқса, инвестиция сиёсатини амалга оширишда давлат бошқарув органлари томонидан бевосита хорижий инвестицияларни киритишни рағбатлантирувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозим. Бунда асосий эътибор—Республикамиз иқтисодиётида инфляцияни пасайтиришга, реал фоиз ставкасини қисқартиришга ҳамда банкларнинг ҳисоб ставкаларини камайтиришга қаратилмоғи даркор.

2.3. Жалб қилинган инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини

баҳолаш

Авваламбор инвестициялар самарадорлигини баҳолашда “Иқтисодий самара” ва “Иқтисодий самарадорлик” тушунчаларини фарқламоқ лозим бўлади. Самара бу инвестициялаш ҳисобига эришиладиган натижа бўлса, самарадорлик бу самара ва самара олишни шарт қилувчи инвестициялар катталиги нисбатидир.

Инвестиция лойиҳаларини баҳолашда иккита гуруҳга умумлаштирувчи икки усулдан тез-тез фойдаланади. 2.3.1-расмда инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усуллари келтирилган.



2.3.1-расм. Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усуллари²⁴

Жаҳон амалиётида инвестиция лойиҳаларининг умумий иқтисодий самарадорлигини баҳолашда қўлланиладиган қоплаш муддати ва умумий самарадорлик(рентабеллик) коэффициенти усуллари аввалдан маълум

²⁴ Вахобов А.В., Худойкулов З.Д., Муминов Н.Г.”Инвестициялар” ўқув қўлланмаси асосида муллиф томонидан ишлаб чиқилди

бўлиб, улар миллий ва чет эл амалиётида то пул тушумларининг дисконтланишига асосланган усулларнинг кенг қўлланилишига қадар асосий кўрсаткичлар сифатида амал қилиб келган. Ҳозирги кунда, тижорат банклари ва бошқа кредит муассасалари салоҳиятли қарз олувчиларга инвестицион ресурсларни тақсимлаш шартларини маълум қилишда, одатда, ушбу иккита усулдан, яъни қоплаш муддати ва рентабеллик даражаси кўрсаткичларидан фойдаланмоқдалар.

Инвестицияларнинг қоплаш муддатини ҳисоблаш усули пул оқимларини дисконтлашга асосланган усуллардан фарқли равишда инвестицияларнинг номинал миқдорда қайтарилиши мумкин бўлган даврни аниқлашга хизмат қилади. Шунга кўра, бу усул инвестиция лойиҳасини амалга оширишдан олинadиган даромадлар ҳисобига қилинган инвестиция сарфларини қоплаш даврини аниқлашга асосланган. Қоплаш муддатини аниқроқ тушунадиган бўлсак, бу лойиҳани якунлаш давридаги ёки ундан олинган даромад инвестициялар суммасига тенг бўлгандаги даврига тенгдир.

Уни ҳисоблаш формуласи қуйидагичадир:

$$PP = \frac{K}{D - X}, \quad (2.3.1)$$

бу ерда,

К - киритилган инвестициялар;

Д-йиллик даромад;

Х-йиллик харажат.

Инвестицияларнинг қоплаш муддатига тескари бўлган кўрсаткич умумий самарадорлик коэффициенти(ARR) бўлиб, бухгалтерия ҳисоботи маълумотларига асосланган ҳолда аниқланадиган даромадни инвестицияларнинг йиллик ҳажмига бўлиш орқали аниқланади. Бунда ҳисоб-китоб ишлари фоизларни ва солиқларни тўламасдан аввалги фойда миқдорига асосланиб амалга оширилиши мумкин ёки у солиқларни тўлагандан кейинги,

лекин фоиз тўловларигача бўлган даромадга асосланади. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$ARR = \frac{D - X}{K}, \quad (2.3.2)$$

Бу усулларнинг асосий афзалликлари шуки, ҳисоб-китоб ишларининг оддийлиги ва қулайлигидир. Камчиликлари эса, келгуси пул тушумларининг қийматини жорий вақтга нисбатан ҳисобга олинмаслигидадир.

Инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини дисконтлаш асосида баҳолаш усуллари ҳар қандай инвестиция лойиҳасининг даромадлигини, самарадорлигини, фойдалилигини ҳамда уларнинг жалб этувчанлигини аниқлаб бера олади.

Соф дисконтланган қиймат. Олимларнинг илмий ишларини таҳлил қилиш натижасида хорижий сармояларни жалб қилиш амалиётида соф дисконтланган қиймат (NVP) ва реал хорижий сармоялар (K) методлари иқтисодий асосланганлигини келтириб ўтиш мумкин. Олимлардан Роберт Пиндайк ва Даниель Рубинфельдларнинг фикрига кўра, соф дисконтланган қийматни аниқлашда лойиҳани амалга оширилгандан сўнг келиб тушадиган даромад орқали аниқлашни таклиф қилганлар. Уларнинг фикрига кўра, соф дисконтланган қийматни қуйидаги формула орқали аниқлаш мумкин:

$$NVP = -K + \frac{P_1}{(1 + E)} + \frac{P_2}{(1 + E)} + \frac{P_3}{(1 + E)} + \dots + \frac{P_n}{(1 + E)} \quad (2.3.3)$$

Бу ерда,

K – лойиҳани амалга оширишда зарур бўладиган хорижий сармоя;

P₁, P₂, P₃, ..., P_n – алоҳида ҳар бир йилда ўзлаштирилган соф фойда;

E – дисконт чегараси яъни, аниқ бир вақт шароитида мослаштирилган харажатларни келтириш чегараси. Инвестиция лойиҳаларини соф жорий қиймат усули асосида баҳолашдан олинган натижа, яъни соф жорий қиймат ижобий миқдорга эга бўлса (NPV > 0), у ҳолда инвестицияларнинг

рентабеллиги дисконт миқдоридан юқори бўлади, $NPV=0$ ҳолатда лойиҳа рентабеллиги дисконт ставкасига (минимал қоплаш меъёрига) тенг бўлади, агар $NPV<0$ бўлса, лойиҳа рентабеллиги минимал миқдордан паст бўлади.

Биринчи икки ҳолатда инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мумкин. Бунда биринчиси инвестор капиталининг ўсиши таъминланишини кўрсатса, иккинчиси кўпаймаслигини ҳам, камаймаслигини ҳам билдиради. Учинчи ҳолатда эса лойиҳадан кутиладиган даромадни олиш имконини бермайди.

Инвестицияларнинг рентабеллиги усули (PI) - дисконтлаштирилган даромадларнинг дисконтлаштирилган инвестиция харажатларига нисбатини ҳисоблаб топишга асосланган. Бу қандай ҳолатда инвестор бойлиги ўсиши мумкинлигини кўрсатиб беради ва қуйидагича аниқланади:

$$PI = \frac{\Phi}{K}, \quad (2.3.4)$$

бу ерда ,

PI – хорижий сармоялар самарадорлиги коэффициенти;

Φ – лойиҳани амалга оширилгандан сўнг ўзлаштирилган фойда;

K – лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўладиган капитал қўйилмалар.

Шу билан бирга иқтисодий томондан келиб чиққан ҳолда бу умуман бошқа кўрсаткич бўлиб, бу ерда хорижий сармоядан тушадиган даромаддан фойда инобатга олинмасдан, балки пул оқими (сой фойда ва амортизация) кўзда тутилади. Бундан ташқари, хорижий сармоядан кутилаётган даромад ҳозирги қийматга нисбатан олинган жараён бўйича ҳисобланади. “Даромадлилик индекси” кўрсаткичи нафақат қиёсий баҳолашда, балки кўзланган лойиҳани оптималини танлашдаги асосий вазифани ўзида қамраб олади.

Фойдалиликнинг ички меъёри (IRR) деганда соф дисконтланган қиймат (NVP) лойиҳанинг нолга интилгандаги дисконтланган қиймати тушунилади.

Уни ҳисоблаш формуласини қуйидаги тенгламада ифодалаш мумкин:

$$NPV = \sum_{t=1}^n \frac{CF_t}{(1+d)^t} - I_0 = 0, \quad (2.3.5)$$

IRR лойиҳадан кутилаётган даромадлиликни кўрсатади ва қилиниши мумкин бўлган максимал харажатлар чегарасини белгилаб беради, яъни IRR олинаётган кредит бўйича банк фоиз ставкасини юқори чегарасини кўрсатади, айти шу фоиз чегарасидан юқори миқдорга эга бўлинганда лойиҳа даромад келтиради. Бу кўрсаткичнинг афзаллик томони шундан иборатки, келтирилагн бир қатор NPV қийматлар ичида энг самаралисини танлаш имкониятини беради.

Дисконтлаштирилган қоплаш муддати усули(DPP)ни ҳисоблаш иши дисконтлашган йиллик пул тушумларини дисконтлашган инвестицияларга бўлиш орқали амалга оширилади.

У қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$DPP = \frac{I_0}{DCF^{(\Sigma)}}, \quad (2.3.5)$$

бу ерда, I_0 – бошланғич инвестициялар;

$DCF^{(\Sigma)}$ – дисконтлаштирилган йиллик пул тушумлари.

Шуни қайд этиш жоизки, инвестицияларни дисконтлаштирилган қоплаш муддати кўрсаткичи, уларнинг соф жорий қийматда тўлиқ қопланишининг аниқ даврини тавсифлаб беради. Камчилиги эса, қилинган инвестиция қоплангандан сўнг унинг самарадорлигини кўрсатиб бера олмайди ва уни лойиҳанинг фойдалилигини аниқлашда қўллаб бўлмайди.

Телекоммуникация соҳасида инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини юқори бўлиши даромад ва хизмат кўрсатиш ҳажмини ўсишини таъминлабгина қолмасдан, халқнинг турмуш даражасини ўсишида ҳам муҳим рол ўйнайди. Шу боис маълум чоракда ёки йилида соҳадаги

инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаб бориш лозим бўлади. “Ўзбектелеком” АКга 2009-2010 йилларда киритилган инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини 2.3.1-жадвал маълумотлари бўйича ҳисоблаб, натижаларни таҳлил қилсак.

2.3.1-жадвал

**Компанияга жалб қилинган инвестицияларнинг самарадорлигини
ҳисоблаш учун бошланғич маълумотлар²⁵**

	Кўрсаткичлар	2009 й.	2010 й.
1.	<i>Жами даромадлар, Млн.сўм</i>	246 412	302 023
2.	<i>Жами харажатлар, Млн.сўм</i>	238 689	292 637
3.	<i>Капитал қўйилмалар, Млн.сўм</i>	47468,4	34 555,0

Бунинг учун 2.3.1 ва 2.3.2 формулалардан фойдаланамиз. 2009 йилда жалб қилинган инвестицияларнинг қопланиш муддати ва умумий самадорлик (рентабеллик) коэффициенти ҳисоблаб қуйидагича натажага эга бўламиз.

$$PP_{2009} = \frac{K}{D - X} = \frac{47468,4}{246412 - 238689} = 6,14$$

$$ARR_{2009} = \frac{D - X}{K} = \frac{246412 - 238689}{47468,4} = 0,16$$

Энди ушбу кўрсаткичларни 2010 йил учун ҳисоблаб топамиз.


$$PP_{2010} = \frac{K}{D - X} = \frac{34555}{302023 - 292637} = 3,68$$

$$ARR_{2010} = \frac{D - X}{K} = \frac{302023 - 292637}{34555} = 0,27$$

Натижаларни таҳлил қиладиган бўлсак, 2009 йилда киритилган сармояларнинг умумий самарадорлик коэффициенти 0,16 бўлганда, уларнинг қопланиш муддати 6 йил 1ой-у 20 кунни ташкил этади. Компания учун бу натижа узоқ муддат саналади. Бундай ҳолатни компаниянинг йиллик

²⁵ Мултиф томонидан ишлаб чиқилди “Ўзбектелеком” АКнинг йиллик ҳисоботлари асосида

харажатларининг ошиб кетганлиги билан асослашимиз мумкин. 2010 йилда жалб қилинган инвестицияларнинг самарадорлигини ҳисоблаб чиқилган натижалар бўйича баҳолайдиган бўлсак, компания ижобий натижаларга эришган. Яъни, капитал қўйилмаларнинг умумий самарадорлик коэффициенти 0,27 бўлганда, уларнинг қопланиш муддати 3 йил 8 ой-у 24 кунни ташкил этди. Натижада 2009-2010 йилда киритилган инвестициялардан самарали фойдаланаётганлигини ва компания фойдасининг ошганлигини кўришимиз мумкин(2.3.1-расмга қаранг).



2.3.1-расм. ”Ўзбектелеком” АК умумхўжалик фаолиятдан олинган фойдасининг ўзгариш динамикаси, млн.сўм²⁶

2.3.1-расмдаги маълумотларни таҳлил қилидиган бўлсак, 2010 йилда компаниянинг умумхўжалик фаолиятдан олинган фойдаси 2009 йилдагига қараганда 1663 млн.сўмга ошган ва 9385 млн.сўмни ташкил этган. Соф фойда ҳам маълум бир харажатларнинг камайганлиги ҳисобига 2008-2009 йиллардагига нисбатан сезиларли даражада ошган.

²⁶ Махмудов М. ”Ўзбектелеком” АКнинг 2010 йил ижтимоий иқтисодий ривожланиш якунлари тақдироти асосида тайёрланди

Компания инвестицияларнинг самарадорлигини янада оширишга эришса, айтиш мумкинки, соф фойда миқдорини ўсишига олиб келади.

Хорижий сармояларнинг самарадорлигини аниқлаш методи ва методологиясига асосланган ҳолда қўйилган капитал қўйилмалардан фақатгина бир марталик даромад кўриш тизимини маъқул кўрмаслик ва имконияти борича фойдалилик даражасининг занжирсимон тадқиқотларини ишлаб чиқиш билан характерланувчи фаолиятни амалга оширишни кўзда тутишади. Бу бевосита бирон бир ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш тизимининг нафақат жалб қилинган объектларга келтирувчи самарадорлигини аниқлаш билан, балки халқ хўжалигининг барча жабҳаларида фойдаланилишини кўзда тутиб, халқ хўжалигида янги техника ва технологияларни жалб қилиш, умумий тарзда ишлаб чиқаришни самарадорлигини, фан тараққиётининг янги жабҳаларини, ижтимоий-иқтисодий вазифаларни умумийликда ечиш каби масалаларни кўтаришга ва ойдинлик киритишга ҳаракат қилади.


Хулоса қилиб айтганда, инвестицияларнинг самарадорлиги жуда кам меҳнат харажатлари, материал ва пул воситаларини амалга ошириш натижасида катта ҳажмдаги даромадларга эришиш билан аниқланади.

3. ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ СОҲАСИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ

ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Телекоммуникация корхоналарига инвестицияларни жалб қилиш ва уларни самарадорлигини ошириш йўллари

Ҳар бир мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва салоҳияти унинг иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланиш даражаси билан белгиланади. Бу ривожланишнинг асосини иқтисодиёт тармоқларидаги ўсиш ташкил этади. Республикада энг кучли инфраструктура тармоғига эга бўлган “Ўзбектелеком” АК ҳам АКТ соҳасидаги энг йирик компаниялардан бири бўлиб ҳисобланди. Компаниянинг маҳаллий алоқа операторлари ўртасида инвестиция салоҳияти юқори даражада бўлсада, 2007-2010 йиллар мобайнида жалб қилинган сармояларда хорижий инвестицияларни улуши паст бўлиб, 3.1.1- расмда буни яққол кўришимиз.



3.1.1- расм. 2007-2010 йиллар мобайнида “Ўзбектелеком” АК жалб қилинган сармояларда чет эл кредитлари ва инвестицияларнинг улуши, (%)²⁷

Шунинг учун ҳам инвестицияларни самарадорлигини ошириш ва айниқса, хорижий капиталларни жалб қилишнинг оқилона йўлларини излаш

²⁷ Муллик томонидан ишлаб чиқилди “Ўзбектелеком” АКнинг йиллик ҳисоботлари асосида

компания олдида турган энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда “Ўзбектелеком” АКга инвестицияларни жалб этишнинг зарурияти қуйидагилар билан асосланади:

- кўплаб хизмат кўрсатиш техникаларининг жисмоний ва маънавий жихатдан эскирганлиги, улар қайта тиклашга ёки техник жихатдан қайта жиҳозлашга муҳтож бўлиб, аксарияти ишга яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги;
- Маҳаллий тармоқларда эскирган аналог русумдаги телекоммуникация станцияларини замонавий телефон станцияларига алмаштириш ва уларнинг сифимини ошириш;
- Шаҳарлар ва маҳаллий телекоммуникация тармоқларини кейинги авлод тармоғи NGN ва NDM технологиялари асосида модернизация қилиш ва ривожлантириш ;
- Қишлоқ жойларида CDMA-450 тармоғини кенгайтириш;
- Компания экспортида хизматлар салмоғини ошириш ва кўплаб янги хизматлар сонини ошириш имкониятини юзага келтириш.

Ҳар қандай компаниянинг ривожланиш даражаси ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишида хорижий инвестициялар муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бу ўз навбатида, компания иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун биринчи галда, улар учун қулай муҳит, кафолат ва рағбатлантирувчи иқтисодий омилларни кучайтиришни тақозо этади.

Олиб борилаётган амалий ишлар натижасида, иқтисодиёт тармоқлари бўйича инвестицияларнинг таркибида маълум бир силжишлар юз берди. Республикамиз ҳалқ хўжалиги тармоқларига жалб қилинган инвестициялар 2009 йилда 12531,9 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2010 йилда салкам 15409,1 млрд.сўмни ташкил этди. Чет эл инвесторлари учун энг ўзига жалб этадиган соҳа сифатида нефть-газ, транспорт ва алоқа тармоқлари бўлиб қолмоқда.

Эришилган ютуқлар билан бирга бу борада тўсиқ ва камчиликлар мавжуд. Мамлакатда телекоммуникация ва алоқа тармоқлари жаҳон стандартларига жавоб бера олмаслиги, реклама-ахборот таъминотидаги тақчиллик мавжудлиги ҳам хорижий инвесторлар фаолият юритишига муайян тўсиқ бўлади.

Ушбу муаммони барҳам топтириш мақсадида президент фармонида «ахборот тармоғини ҳамда устувор инвестиция таклифларини ва мамлакатимиздаги ва чет элдаги потенциал шериклар тўғрисида ягона маълумот базасини яратиш» белгилаб берилган. Алоқа борасидаги муаммоларни ечишда амалий қадам сифатида 1992-1996 йилларда телекоммуникацияларни тиклаш ва ривожлантириш махсус дастури ишлаб чиқилди. Уни амалга оширишда Жанубий Кореянинг «Samsung» ва «Daewoo» компаниялари фаол иштирок этди.

Натижада, халқаро алоқаларнинг илгари ишлаб турган 13 линияси ўрнига 150 дан ортиқ линияси ташкил этилди. Улар туфайли 6 та Европа мамлакатлари ва Япония билан бевосита алоқа ўрнатилди.²⁸ Шу тариқа кейинги йилларда алоқа соҳасини янада ривожлантириш мақсадида инвестициявий дастурлар ишлаб чиқилди ва хорижий компаниялар билан ҳамкорликда янги технологиялар олиб келинмоқда.

Аммо, бугунги кунда “Ўзбектелеком” АКни инвестицион фаолияти ҳолатини белгилайдиган асосий кўрсаткич бўлган, бевосита хорижий инвестициялар оқимининг етарли даражада кўпаймаганлигини кўрсатиш мумкин. 3.1.2-расмда компанияга хорижий инвестициялар оқимини кучайтириш чоралари келтирилган.

²⁸ «Солиқ ва божхона хабарлари» молиявий-иқтисодий газета. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг ўн иккинчи сессияси тўғрисида ахборот. 2003 й. 19 декабрь.



3.1.1-расм.Хорижий инвестициялар оқимини кучайтириш чоралари²⁹

Яъни, компанияга хорижий инвестициялар оқимини кўпайтириш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши керак:

1.“Ўзбектелеком”АКни инвестициялар оқимига (нафақат хорижий, балки кўп томонлама ички инвестицияларга ҳам тааллуқли) таъсир қилувчи омиллардан бири сифатида маркетинг тадқиқотини заиф олиб борилаётгани, натижада кўплаб янги ишлаб чиқарилаётган хизматлардан аҳолининг хабарсиз бўлиб қолаётганлиги кўрсатишимиз мумкин. “Ўзбектелеком” АК маркетинг йўналишида олиб бориладиган фаолиятининг 2011 ва келгуси йиллардаги устувор йўналишлари “Ўзбектелеком” АК тармоғини 2011-2015 йилларда истиқболли ривожлантириш дастури” асосида компания томонидан тақдим этилаётган телекоммуникация хизматлари бозорини чуқур тадқиқ қилиш, жорий қилинаётган янги хизматларнинг тарғиботи ва ташвиқоти ишларини янада жадаллаштириш, аҳолининг замонавий хизматларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, йирик ва корпоратив мижозларга сифатли хизмат кўрсатишнинг механизмини жорий қилиш ва даромадини янада кўпайтиришдан иборат.

2.Компаниянинг молиявий кўрсаткичлари ҳамда иқтисодий индикаторлар ҳақида холис ва ишончли ахборот таъминоти ҳамон

²⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди интернет маълумотлари асосида

яхши йўлга қўйилгани йўқ. Бу масалани ҳал қилиш учун муқобил ва мустақил нодавлат ахборот агентликлари ташкил қилиниши лозим.

3.Мамлакат миқёсида инвестиция иқлимини яхшилаш ва муаммолар ечимини топиш мақсадида, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар мутахассислари, инвестиция имкониятига эга бўлган йирик компания ва корхоналар раҳбарлари ҳамда республиканинг инвестициялар соҳасидаги етук олимлари иштирокида очик мулоқот ташкил қилиниб, мавжуд муаммолар ошкоралик билан ҳар томонлама муҳокама этилиши лозим. Шу асосда масалага кенг жамоатчилик фикрини жалб қилган ҳолда, мутахассислар, олимлар ва амалиётчилар ўртасида

илмий ва иқтисодий асосланган ягона инвестиция сиёсатини, шунингдек, қабул қилинган қонун ва қарорларни амалда ишлаш механизмини ишлаб чиқиш ва ҳаётийлигини таъминлаш лозим.

Бундай чора тadbирларни нафақат телекоммуникация соҳасида, балки республикаимиз иқтисодиётининг барча тармоқларидаги корхоналарда амалга ошириш лозимдир. Бунинг учун албатта, Ўзбекистонда инвестицион муҳитни такомиллаштириш, хорижий капитални жалб қилиш учун қулай макроиқтисодий сиёсатни шакллантириш бўйича иш олиб бориш муҳим ҳисобланади. Бунинг учун инфляция даражасини паст даражада ушлаб туриш, инфляциянинг инвестицион лойиҳаларни қийматини ўсишига таъсирини камайтириш, инвестициялар таркибида бевосита хорижий инвестициялар миқдорини кескин кўпайтиришга кўпроқ эътибор қаратиш керак.

Чет эл инвесторлари нафақат миллий корхоналарга ўз сармоялари, технологиялари ва бошқарув тажрибасини киритадилар, балки улар жаҳон бозорларига йўл очадилар. Бу эса ўтиш даврини бошидан кечираётган ҳар қандай мамлакат учун ҳаёт-мамот масаласидир. Чет эл сармояси ўтиш даври иқтисодиётига энг янги жаҳон илмий- техникавий ютуқлари, технологиялари

кириб келиши учун муҳим йўл сифатида жуда зарурдир. Зеро, у миллий хўжалик субъектларинининг ривожланган товар алоқалари учун мослашувларига, улар фаолиятини жаҳон стандартларига мос равишда оқилона ташкил этишга имкон беради.

Қўшма корхоналарни солиққа тортиш тартиби, солиқ ставкаси, тури, солиқ солиш объекти, солиқ имтиёзларини мукаммал ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш, республикамиздаги мавжуд шарт-шароитларни ҳисобга олиб, уларни ўзгартириш ҳақида таклифлар киритиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатга инвестицияларни жалб этиш бўйича кўплаб ишлар ва дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

Қўшма корхоналар фаолият юритишдаги яна бир муҳим муаммо бу миллий валютаимиз сўмни барқарорлиги ва мустаҳкамлиги билан боғлиқдир. Президентимиз таъкидлаганидек: «Бугунги энг муҳим вазифа валютаимизни бақувват, дунёда обрўли валютага айлантиришдир. У юксак қийматга ва катта кучга эга бўлиши лозим. Сўмнинг барқарорлигини таъминлаш ва кадрини ошириш - умуммиллий вазифа. Республикамиздаги барча фуқароларнинг фаровонлиги ана шу вазифанинг ҳал этилишига боғлиқ».³⁰

Бу муаммони ижобий ҳал қилиш бўйича республика ҳукумати томонидан қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда, яъни республикада валюта сиёсатини эркинлаштириш дастури амалга оширилмоқда. Қилинаётган ишлардан асосий мақсад эса жорий операциялар бўйича тўлиқ конвертацияга тезроқ ўтиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга эришишдир.

Албатта, республикамизда хорижий инвесторлар иштирокида амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштиришда муаммолар, ҳал қилинмаган масалалар мавжуд. Инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга

³⁰ Каримов И.А. "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби". Халқ сўзи, 2009

оширишнинг барча босқичларининг муваффақиятли рўёбга чиқиши хорижий инвесторлар ва уларнинг инвестицияларини иқтисодиётга жалб қилиш ва улар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш истикболларига боғлиқ. Республикада қулай инвестицион муҳитни шакллантириш бўйича ишларни янада кучайтириш бундан буён ҳам мамлакатда узоқ муддатга мўлжалланган стратегик вазифамиз бўлиб қолди.

Бу вазифалар республикамиз иқтисодиёти бўйича амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар бўлиб, телекоммуникация соҳасига ҳам инвестицияларни жалб қилишда катта аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда телекоммуникация тармоғини ривожлантириш борасида 2009 йилда 12 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланди ва 2010 йилда ўз ниҳоясига етказилди. Замонавий технологиялар базасида «Тошкент–Бухоро» магистрал алоқа линияси кенгайтирилди. Бу линия каналларнинг ўтказувчанлик қобилиятини 60 баробарга ошириш ва шу тариқа видеотелефон, интернет ва бошқа кенг тармоқли хизматлар кўрсатиш имконини берди. Шу билан бирга, «Андижон-Ўш», «Қўнғирот-Бейнов», «Денов-Турсунзода» ва «Термиз-Ҳайратон» йўналишлари бўйича халқаро алоқа линиялари ишга туширилди.

Иқтисодий ўсиш, турмуш тарзининг яхшиланиши ва маданий фаолиятнинг фаоллаштириш замонавий ахборот инфратузилмасини ва АТни кундалик ҳаётга кенг тадбиқ қилиш билан бирга тезлашади.

Бизнинг фикримизча, инвестициялар натижасида олиб келинган технологиялар ва ишга туширилган алоқа линияларидан унумли фойдаланиб, жаҳон тажрибасига асосланган ҳолда, янги хизмат турларини жорий этиш лозим. Ҳозирги кунда ахборот коммуникация технологиялари асосида хизматлар кўрсатиш самарадорлигини оширишни кўйидаги йўналишлар бўйича олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

1.Электрон тижорат ва интернет магазинлар яратиш;

2.Электрон тўловлар қабул қилиш;

- 3.Электрон пул ўтказмаларини ривожлантириш;
- 4.Интернет хизматларини кенгайтириш;
- 5.Замонавий телекоммуникация ва алоқа асосланган бошқа хизматларни кўрсатиш.

Бу ўринда мисол тариқасида шуни таъкидлашим жоизки, биргина электрон тижорат орқали АҚШ бозорларида йилига 1,5-2 трлн.АҚШ доллари миқдорида маблағлар айланади³¹. Шуни ҳисобга олган ҳолда юртимизда ушбу хизматларни жорий этиш нафақат телекоммуникация соҳасининг даромадлари юқори бўлишига, балки иқтисодиётимиз учун ҳам бюджетнинг ўсишига олиб келади.

Шунингдек, корхоналарининг асосий фондларига йўналтирилган сармояларни тўғри тақсимлаш ва асосий ишлаб чиқариш фондларни самарадорлигини ошириш лозим.

Асосий ишлаб чиқариш фондларини ишлатишни самарадорлигини ошириш деганда, бир сўм асосий фонд қийматида алоқа махсулоти (даромади, фойдаси)нинг қўшимча ўсишини таъминлаш тушунилади. Бундан ташқари, асосий фондларни ишлатишни ошириш алоқа воситалари ривожига капитал сарфларини тежашни англатади.

Илғор телекоммуникация корхоналарининг иш тажрибасига биноан, асосий ишлаб чиқариш фондларини ишлатишни ривожлантириш йўллари қуйидагилардан иборат:

- ✓алоқа қурилмалари, ускуналари ва воситаларини ҳаракатга киритиш ва ишлатишни ошириш;
- ✓асосий ишлаб чиқариш фондларининг тузилмасини замонавийлаштириш ва янгилаш;
- ✓ходимлар малакасини ошириш.

Асосий ишлаб чиқариш фондларини ишлатишни яхшилаш телекоммуникация корхонасининг истиқболини таъминлайди ва рақобат

³¹ www.infocom.uz сайтидаги маълумотлардан фойдаланилди.

бозорида ўз ўрнига эга бўлишига ҳамда истемолчиларни кенг жалб этишга замин яратади.

Хулоса қилиб айтганда, телекоммуникация корхоналарига инвестицияларни, айниқса хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш ва самарадорлигини ошириш учун қуйидагиларни(3.1.2-расм) амалга оширилиши зарур, деб ҳисоблаймиз:



3.1.2-расм. Телекоммуникация соҳасига инвестицияларни жалб қилиш

ва самарадорлигини ошириш йўллари³²

Шуни қайд этиш мумкинки, соҳада ишлаб чиқиладиган инвестиция лойиҳаларини мукамал тайёрланишига эришиш, асосий фондларга киритилган янги технологияларни, яъни, хизмат кўрсатувчи кучларни жойлаштиришнинг энг мақбул вариантларини тўғри танлаш ва қурилиш монтаж ишларини юқори даражада сифатли бўлишини таъминлаш орқали инвестициялар самарадорлигини ошириш мумкин. Инсоният ахборотлаштириш соҳасида ҳақиқий инқилобий ўзгаришлар даврини бошдан кечирмоқда, умумжаҳон ахборотлашган жамияти шаклланмоқда. Бу ўзгаришлар асосини ахборотлаштириш, телекоммуникация ва компьютер технологиялари негизида ахборотни узатиш ҳамда истеъмолчига етказиб беришнинг энг замонавий ва самарали воситалари дунёга келадиганлиги ташкил этади. Телекоммуникация соҳаси эса иқтисодиётни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи замонавий соҳа бўлиб, инсоният учун фойдали ва қулай хизмат турларини таклиф этади.

³² Мулриф томонидан мустақил ишлаб чиқилган

4.ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ

4.1.Ишлаб чиқариш хоналарида ҳаво муҳитини яхшилаш ишлари

Меъёрий хужжатларда “Ишчи муҳит ҳавоси. Умумий санитария-инженерия талаблари” организм қувват харажатларига боғлиқ ҳолда 3 тоифадаги ишларни кўзда тутди:

Енгил жисмоний

1а – жисмоний куч талаб қилмайдиган ўтирган ҳолда;

1б – ўтириб, туриб ёки юриш билан боғлиқ айрим жисмоний кучланиш;

Жисмоний ўртача оғир

2а – 1 килогача буюмларни енгил олиб юриш билан боғлиқ маълум жисмоний кучланишни, 10 килогача юкни, буюмларни кўтаришни талаб қилувчи турган ёки ўтирган ҳолда;

Оғир жисмоний

2б – 10 килодан ортиқ вазндаги доимо олиб юриш; ташиш билан боғлиқ ва катта жисмоний куч талаб этадиган.

4.1.1- жадвалида йил фасли ва ишлар тоифасини ҳисобга олган ҳолда микроиклим ўлчамларининг қулай меъёрлари берилган. Таъкидлаш жоизки, йилнинг иссиқ даврида ҳавонинг ўртача суткалик ҳарорати $+ 10^0$ С дан юқори, йилнинг энг совуқ даврида $+ 10^0$ С дан паст, нисбий намлик 40-60% дир.

4.1.1- жадвал

Микроиқлим параметрларининг оптимал меъёрлари³³

Иш даври	Иш танаси	Ҳарорат, ° С	Ҳаво ҳаракати тезлиги м/с дан ортиқ эмас
Совуқ	Ia	22-24	0.1
	Iб	31-23	0.1
	Ia	18-20	0.2
	Iб	17-19	0.2
	III	16-18	0.3
Иссиқ	Ia	23-25	0.1
	Iб	22-24	0.2
	Ia	21-23	0.3
	IIб	20-22	0.3
	III	18-20	0.4

Ишлаб чиқариш жараёнида ҳавога заҳарли моддалар (буғлар, газлар, чанг) ажралиб чиқиши мумкин. Улар нафас йўллари орқали ва меъда-ичак тракти орқали инсон организмига тушади ва салбий оқибатларига олиб келишга қодир.

Меъёрларга мувофиқ инсон организмига таъсирида касбий касалликлар ёки инсон саломатлиги аҳволининг оғирлашувларига олиб келувчи моддалар

³³ Абдурахмонов Қ.Х., Тоҳирова Х.Т., Бобонов Н.Х. “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” Тошкент:Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети,2006

заҳарли моддаларга киради. Заҳарли моддалар хавфнинг 4 та синфига бўлинади:

- 1.Фавқулодда хавфли
- 2.Юқори хавфли
- 3.Мўтадил хавфли
- 4.Кам хавфли

Ишчи ҳудуднинг ҳавода мавжуд заҳарли моддалар устидан назорат 1–синф моддалари учун узлуксиз бўлиши ва қолган синфлар моддалари учун даврий бўлиши мумкин.

Ишчининг 8 соатли иши ёки бошқа бир давомийликда, бироқ бутун иш стажи давомида ҳафтасига 41 соатдан кам бўлмаган вақтда кундалик бўлишидаги касаллик ёки саломатлиги аҳволининг оғишмасини чақирмайдиган концентрация ҳавода зарарли моддалар меъёрли йўл қўйиладиган концентрацияси деб аталади.

Меъёрли йўл қўйиладиган концентрация 700дан ортиқ турдаги зарарли моддалар учун андоза белгилайди. Айрим моддалар тавсифи 4.1.2. – жадвалда келтирилган:

4.1.2- жадвал

**Ишчи ҳудудининг ҳавосида меъёрли йўл қўйиладиган
концентрация заҳарли моддалар³⁴**

Моддаларининг номланиши	Меъёрли йўл қўйиладиган концентрацияси мг/м ³	Хавф синфи
Азот оксиди	5	2
Аммиак	20	5
Сульфат ангидриди	1	2
Бензин эритмаси	300	4

³⁴ Абдурахмонов Қ.Х., Тоҳирова Х.Т., Бобонов Н.Х. “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” Тошкент:Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети,2006

Бензин ёнилғиси	100	4
Металли симоб	0.01	1
Қўрғошин	0.01	1
Углерод оксиди	20	4
Хлор	1	2

Инсонга бир йўналишли ҳаракатдаги неча хил зарарли моддалар 1 вақтнинг ўзида таъсирида уларнинг $M_{\text{й}}+K_{\text{га}}$ нисбатан ҳавода фактик концентрациялари ($C_1, C_2, \dots, C_n$) нисбати миқдори:

$$C_1/M_{\text{й}}+K_1 + C_2/M_{\text{й}}+K_2 + \dots + C_n/M_{\text{й}}+K_n < 1$$

Масалан: турли спиртлар, кислоталар, ишқорлар, сульфидли ва сульфат ангидрид.

Санитар нормаларнинг аҳоли пунктлари учун зарарли моддалар $M_{\text{й}}+K$ си ишчи бинолари ҳавосидагига нисбатан анча кам ўрнатилади. Ҳатто мукамал технология ва замонавий ускуналар билан ҳам ишлаб чиқариш биноси ҳавосига зарарли моддаларнинг тушмаслигига тўла эришиб бўлмайди. Бундай ҳолатларда инсонларни ҳимоялаш учун вентиляция (қулай иқлим шароитларини яратишни таъминловчи ва технологик жараён талабларига жавоб берувчи ишлаб чиқариш биноларида уюшган ва мунтазам ҳаво алмаштириш) дан фойдаланади.

Вентиляция табиий ва сунъий (механик) турга бўлинади. Табиий вентиляция ўз навбатида уюштирилган (аэрация) ва уюштирилмаган (инфильтрация)га бўлинади. Механик вентиляция ирмоқ, тортиб оладиган, мураккабга ажралади.

Бир ишлаётганга $V_{\text{ном}} = 20 \text{ м}^3$ да ҳаво узатадиган $> 30 \text{ м}^2/\text{ч}$ ишлаётганга. $V_{\text{ном}} 20 \text{ м}^3 < V < 40 \text{ м}^3$ ҳаво узатиш $> 20 \text{ м}^2/\text{ч}$. Бинода дераза ва фонарлар бўлмаганида $> 40 \text{ м}^3/\text{ч}$ ҳаво $V_{\text{ном}} > 40 \text{ м}^3$ дераза ва шифтдаги фонарлар мавжудлигида 1 ишловчига, захарли моддалар бўлмаганида дераза

ва эшинлар орқали табиий вентиляциядан фойдаланишга рухсат берилади. Ишлаб чиқариш биноларида ҳавонинг ҳаракатланиш тезлиги $0,03 < V < 0,5$ м/сек атрофида.

Тортиб олинадиган вентиляция:

- Дераза ва эшиклар орқали ҳаво етарли бўлса;
- Бинода одамларнинг қисқа вақт бўлишлари ҳолатларида;
- Бинодан ифлосланган ҳавони кўп қисмини чиқариш талаб қилинганда қўлланилади.

Замонавий фильтрлар 10 мк гача энг кичик чангни сезиб, 1 м^3 ҳавога 1-2 мг ни тозалашга қодир.

Тозалаш даражасига кўра газмолли ва электрик фильтрлар ўта самарали, улар 10000 мг/м^3 гача, яъни 99,5% чанги мавжуд ҳавони тозалашга қодир.

Ирмоқ вентиляцияси учун тозалаш даражаси қуйидагича – ишлаб чиқариш биносининг ишчи ҳудуди ҳавосида зарарли моддалар концентрацияси $< 30\% \text{ М}_{\text{й}} + \text{К}$.

Ифлос чанг ёки зарарланган моддалар бор ҳаво доимо ҳам тўлиқ кўзга ташланмайди. Йилнинг энг совуқ даврида сўрилаётган ҳавони иситиш учун иссиқликни тежаш мақсадларида ифлосланган ҳаво аралаш камерага ҳайдалиб, ($>10\%$) ташқи ҳаво билан аралашиб, сўнг тозалангач, яна бинога узатилади. Бундай ҳаво айрибошлаш рециркуляция деб аталади.

Аралаштирувчи камерага сўриладиган ҳавода зарарли ва портлаш хавфи бўлган (аккумуляторлардан) моддалар мавжуд бўлса, рециркуляцияга йўл қўйилмайди.

Радио ва телестудияларининг радиоузатиш марказларида рециркуляция бинода ҳаво махсус, атайлаб совутиладиган йилнинг энг иссиқ вақтида ҳам амалга оширилади. Бинода ҳаво t , R , V сининг даврий текширувчи ҳаво алмаштиришнинг қисқалиги вентиляция қурилма ҳаракати самарадорлигининг назорати ҳисобланади.

Келиб чиқиши бўйича чанг органик (ўсимлик ва ҳайвонот олами),

ноорганик ва аралаш бўлади. Чанг организмга нафас йўллари орқали тушади, ўпкага ўтиб, кўзнинг шиллиқ пардалари ва тери устига ўтириб қолади. Чангни узоқ вақт давомида ютиш ўпканинг сурункали хасталигини юзага келтиради. Хасталик пневмокониоз деб аталади.

Зарари бўйича чанг агрессив (токсик) - қўрғошинли, силикатли ва ноагрессив –кўмирли, ёғоч пихли, шакар кукунли, унлига бўлинади.

Кўринишига қараб ўлчовли (аэрозоль) ва ўтирган (аэрогель) га бўлинади. Чанг заррачаларининг миқдори қанчалик кичик бўлса, шунча чанг хавфлидир.

Ўпкага 1 дан 5 мк гача хажмидаги чанг заррачалари тушади. 5-10 мк дан катталари бурун- халқумга ўтириб қолади ва йўталганда, ҳамда акса урганда бўлинади. Алоқа корхоналари цехлари, электротехника ва радиоэлектроника саноати заводларида фаолият давомида кимёвий моддалар буғлари ажралиб чиқади – улар эритма, аралашмалар, конденсаторлар ишлаб чиқаришда симоб буғлари, пайвандлашда қўрғошин буғлари ажралади. Агар зарарли ажралмалар санитар нормалар ва меъёри йўл қўйиладиган концентрацияга нисбатан сезиларсиз бўлса, ундай ҳолда махсус соғломлаштириш тадбирларидан фойдаланиш талаб қилинмайди.

Сезиларли чанг ажралмалари билан ишлаб чиқариш бинолари учун ҳаво муҳитини соғломлаштириш юзасидан профилактика тадбирларини ўтказиш зарур:

- I.Технологик жараёнларни такомиллаштириш ёки ўзгартириш;
- II.Вентиляция тизимларини тўғри лойищалаштириш ва эксплуатацияси;
- III.Ҳавони кондиционерлаш махсус тизими қўлланилиши, шунингдек уни озон билан тўйинтириш;
- IV.Изоляция қилинган биноларда зонани чангланттирувчи ёки ажраладиган зарарликларга имкон берувчи агрегатларнинг ажралиши;
- V.Ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш ва механизациялаш, дистанцион бошқарувнинг қўлланилиши.

Индивидуал ҳимоя воситалари – респираторлар, чангга қарши кўзойнаклар.

Чанг заррачалари сони ва сифати ва бошқа аэрозолларини аниқлаш учун умуман бино ҳавосини, айниқса ишчи ҳудудида (полдан 1 дан 2 метргача) ва слесарь-таъминловчининг тез-тез бўлиб турли ҳудудида ҳавони мунтазам тарзда таҳлил қилиш зарур.

4.2. Корхоналарни фавқулотда вазиятлардан ҳимоялаш

Режалаштириш, фавқулодда ҳолат (ФХ)лар вақтида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашнинг етакчи функцияси ва марказий звеноси ҳисобланади. Режалаштиришда ҳужжат-режа тузилади ва у қуйидаги қисмлардан иборат бўлади: аниқ кўрсаткичлар (иш тури, тадбирлар); ушбу ишларни бажариш вақти; ишларни бажариш учун зарур ресурслар(тури, сони, миқдори, манбаи); ишни бажарувчи маъсул шахс (ҳар бир пункт бўйича); ишни бажарилишини назорат қилиш усули.

Режанинг матн қисми икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимида ФХ лар вақтидаги шарт-шароитларни баҳолаш бўйича хулосалар, иккинчи бўлимда эса ФХ лар хавфидан аҳолини ҳимоялаш тадбирлари кўрсатилади. Ушбу тадбирларга асосан қуйидагилар киритилиши мумкин, яъни: ФХ тўғрисида ҳабар бериш тартиби; кузатиш ва разведкани ташкил этиш; қутқарув ва бошқа муҳим ишларни бажариш учун куч ва воситаларни тайёрлаш; ФХ лар таъсирини бартараф этиш ёки сусайтириш тадбирлари; одамлар ва материал бойликларни ҳимоялаш тадбирларини тезкор бажариш усуллари; табиий таъминлаш, дозиметрик ва кимёвий назорат; ишлаб чиқаришни авариясиз тўхтатиш тартиби; одамларни ҳимоялашни ташкил этиш, ШХВ билан таъминлаш; эвакуация тадбирларини ташкил этиш; уларни бошқариш; ҳар хил шароитларда қутқарув ишларини ташкил этиш тартиби; юқори ташкилотларга ва ФХ лар бўйича тузилган комиссияларга ахборот ҳамда маълумотлар бериш тартиби.

Режага турли хил зарур луғавий ва тушунтирувчи характердаги

материаллар ҳам илова қилинади. Режа реал, қисқа мазмунли, лекин тўлиқ ифода этилган, иқтисодий жиҳатдан мақбул билиши ҳамда объектнинг барча имкониятларини ифода этиши зарур.

Режанинг реаллиги табиий ва техноген кўринишидаги ФХ лар вақтида ҳақиқий ишлаб чиқариш шароитида ҳаёт фаолият хавфсизлигини таъминлаш бўйича системали турли хил машғулотлар ва амалий машқлар ўтказиш йўли билан текширилади.

Фавқулодда ҳолатлар вақтида халқ хўжалиги объектларининг турғун ишлашини таъминлаш.

Халқ хўжалик объектларининг (ХХО) турғунлиги уларни ФХ ларнинг хавfli ва зарарли омиллари таъсирига чидамлилиги, яъни ФХ лар шароитида режалаштирилган ҳажмда ва номенклатурада маҳсулот ишлаб чиқариш, ишчи ва хизматчилар ҳаёт фаолияти хавфсизлигини тўғри таъминлаш ҳамда ишлаб чиқаришга зарар етган ҳолатларда ўз иш қобилятини тиклашга мослашиши орқали баҳоланади.

ФХ лар вақтида объектнинг турғун ишлашига ташкилий, инженер-техник ва бошқа тадбирларни комплекс равишда амалга ошириш натижасида эришилади.

Ушбу тадбирлар биринчи навбатда ишчилар ва хизматчиларни ҳимоялашга қаратилган бўлиши керак. Чунки инсон ресурси ҳамда ХХО ларини ФХ ларнинг хавfli ва зарарли омилларидан ҳимояланмасдан туриб, уларни турғун ишлашини таъминлаб бўлмайди. Бундан ташқари, объектдаги ишчилар ва объект яқинида яшовчи аҳолини ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашда ФХ ларнинг бузувчи омиллари таъсирида юзага келувчи иккиламчи хавfli омиллар содир бўлиш хавфининг олдини олишга қаратилган тадбирлар ҳам муҳим рол ўйнайди. Иккиламчи хавfli омилларга, ички ва ташқи сабаблар натижасида вужудга келиши мумкин.

ХХО ларининг ФХлар вақтида турғун ишлашини таъминлашга қаратилган тадбирлар комплекси ичидан асосий иккита тадбирга, яъни, айнан

ФХ ларда ишчи ва хизматчиларни ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш муаммоларига ҳамда иккиламчи хавфли омиллар ҳосил бўлишини бартараф этишга қаратилган тадбирларга тўхталамиз.

Ишчи-хизматчиларни ҳимоялаш тадбирларига - технологик жараёнларда портлашга ва ёнғинга хавфли ҳамда зарарли ва радиактив моддалар ишлатиладиган иш шароитларида иш режимини ташкил этиш; заҳарланиш ўчоғини бартараф этишга қаратилган ишчиларни аниқ бажариш йўллари бўйича ўқитиш; объектдаги ишчи ва хизматчилар ҳамда объект яқинидаги аҳолига, объектда ҳосил бўлган хавф тўғрисида ҳабар беришнинг локал системасини ташкиллаштириш ва уни доимий тайёр ҳолатда сақлаш каби ишлар киради.

ФХ ларнинг хавфли ва зарарли омиллари таъсирида юз берадиган ёнғинлар, портлашлар, заҳарли, радиактив моддаларни муҳитга тарқалиши иккиламчи омиллар жумласига киради.

ХУЛОСА

Ушбу битирув малакавий ишда телекоммуникация соҳасида, жумладан, “Ўзбектелеком” АК инвестицион муҳити ўрганилди ва компанияга жалб қилинган инвестициялар таҳлил қилинди.

Битирув малакавий иш кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ишнинг аҳамияти, тадқиқот предмети ва объекти ҳамда тадқиқот ишининг олдида қуйилган мақсад ва вазифалари ёритилган.

Ишнинг биринчи боби “Телекоммуникация соҳасида инвестициялар фаолиятини ташкил этишнинг назарий асослари” деб номланган бўлиб, унда корхоналарни инвестициялашнинг иқтисодий аҳамияти ва телекоммуникация соҳасининг молиявий барқарорлигини таминлашда хорижий инвестицияларнинг ўрни ҳақида фикр юритилган.

Ишнинг иккинчи бобида “Телекоммуникация корхоналарида инвестицияларнинг кириб келиш динамикаси ва уни самарадорлигини баҳолаш” амалга оширилган. Таҳлил бевосита “Ўзбектелеком” АКни телекоммуникация соҳасидаги ўрни, шунингдек, компанияга инвестицияларнинг кириб келиши ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш каби қисмлардан иборатдир. Ишнинг учинчи бобида олиб борилган тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда телекоммуникация корхоналарига инвестицияларни жалб қилиш ва уларни самарадорлигини ошириш йўллари борасида таклиф ва мулоҳазалар келтирилган.

Олиб борилган тадқиқот натижасида қўйидаги натижаларга эга бўлинди:

Республика телекоммуникация бозорига чет эл инвестицияларининг киритилиши, соҳанинг барча йўналишида, хусусан “Ўзбектелеком” АКнинг ривожланишига катта туртки бўлди. Жалб қилинган инвестициялар натижасида оптик толали алоқа линияси ва йўлдошли алоқа каналлари орқали ўн тўртта давлат, ўн тўққизта операторлар билан жами 7 200 халқаро телефон каналлари ташкиллаштирилган. Натижада, интернет каналлари сиғимини ошганини ҳам кузатишимиз мумкин. 2010 йил давомида Интернет канали сиғими 2009 йилдаги 1270 Мб/сдан 2510 Мб/сга етказилди. Бу натижа интернет хизматларини оммага янада сифатлироқ тақдим этиш имконини яратди. Шунингдек, юқори тезликли интернет хизматларидан фойдаланувчи абонентлар ҳажми 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 2,5 баробарга ошган, яъни 40 066 тани ташкил этди. Бу асосида компаниянинг ушбу хизматдан олган даромади 2010 йилда 16 664,4 млн.сўмни ташкил этиб, 2008 йилда келиб тушган даромаддан 10000,0 млн.сўмга ошган.

Халқаро ва шаҳарлараро алоқа хизматларидан тушадиган даромад кўрсаткичлари аксарият телекоммуникация операторларининг асосий даромад манбайи сифатида шаклланиб келган, аммо жамиятни ахборотлаштириш жараёнида интернет ва маълумот узатиш хизматларига бўлган талабнинг ўсиши, IP- телефония, “triple play” каби янги хизмат турларини пайдо бўлиши, уларнинг нархи шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқасига нисбатан арзон бўлганлиги мазкур хизматлардан олинаётган даромадларнинг пасайишига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Юқорида келтирилган 2.1.3-расмда 2009-2010 йилларда “Ўзбектелеком” АК даромадларининг таркиби ҳақида маълумотлар келтириб ўтдик. 2010 йилда IP- телефония, интернет ва маълумот узатиш хизматларига бўлган талабнинг ўсиши натижасида компания даромадлари ушбу хизматларнинг ҳар бири бўйича 2009 йилдагига қараганда 7 млрд.сўм ошган. Шунингдек, бошқа хизматлардан келадиган даромадлар ҳам ошган. Аммо, шаҳарлараро ва

халқаро алоқа хизматларидан 2010 йилда 41,8 млрд.сўм даромад келиб тушган бўлиб, бу 2009 йилда ушбу хизмат бўйича келиб тушган даромаддан 12,4 млрд.сўмга камайган.

Охирги йилларда иқтисодиётнинг транспорт ва алоқа тармоқларининг асосий капиталига киритилган инвестициялар улуши бироз пасайган бўлиб, умумий ҳолда 2009 йилдаги 31,4 %дан 2010 йилда 29,2 %га тушган. Хусусан, телекоммуникация корхоналарига киритилган сармоялар тебранувчи тенденцияга эга бўлиб, буни “Ўзбектелеком” Аксиядорлик Компаниясига 2007-2010 йилларда киритилган инвестициялар мисолида 2.2.1-расмдаги маълумотлар асосида кўриб ўтдик. Унга кўра, 2010 йилда компанияга 34555,0 млн.сўм инвестиция киритилган бўлиб, бу 2009 йилдагига қараганда 12913,4 млн.сўм камдир. Ва ҳаттоки, 2007-2008 йилларда жалб қилинган инвестициялардан ҳам паст натижа.

“Ўзбектелеком” АК янги жалб қилинаётган капиталларни миқдорини ва удардан келадиган даромади юқори бўлиши учун киритилган инвестициялардан самарали фойдаланиш лозим бўлади. 2.2.1-жадвалда “Ўзбектелеком” АКга 2007-2010 йиллар давомида жалб қилинган инвестициялар таркиби келтирилган бўлиб, унга кўра, киритилган инвестицияларнинг асосий қисмини ўзлик маблағлари ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин. 2007-2010 йиллар давомида жалб қилинган сармояларда хорижий инвестицияларнинг улуши пастлигини ва ҳаттоки, 2009 йилда умуман киритилмаганлигини кўриш мумкин. Айтиш мумкинки, хорижий инвесторларни жалб қилишни фаоллаштириш компания олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Алоқа соҳаси ишлаб чиқариш фондларининг катта қисмини асосий ишлаб чиқариш фондлари ташкил этади. Асосий фондларни модернизациялаш ва қайта қуришда йилдан йилга жаҳон бозорида янгиланиб бораётган техника технологияларни олиб кириш ва уни “Ўзбектелеком” АКнинг республикамиздаги барча филиалларига жорий этишни тезлаштириш

мақсадида компанияга ҳар йили жалб қилинган инвестицияларнинг деярли 90-100%и асосий фондлар учун йўналтирилган. Айниқса, 2009 йилга келиб эса 47468,4 млн.сўм киритилган бўлиб, асосий фондларни модернизациялаш ва қайта қуришга ушбу маблағнинг 100%и сарфланган.

“Ўзбектелеком” АКга 2009-2010 йилларда жалб қилинган инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини 2.3.1-жадвал маълумотлари бўйича ҳисоблаб, натижаларни таҳлил қилганимизда, компания 2009-2010 йилда киритилган инвестициялардан самарали фойдаланаётганлигини ва бунинг натижасида компания фойдасининг ошганлигини кўришимиз мумкин.

Умумий хулоса қилиб шуни таъкидлашим лозимки, телекоммуникация соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш лозим бўлади. Бу эса хизматлар сифатини ошишига, энг авваламбор эса ахборот коммуникация соҳасини ривожланишига катта туртки бўлади ва бунинг натижасида эса миллий иқтисодётни ривожланишига ҳамда янги марраларга чиқишига замин яратади.

Бизнинг фикримизча, олиб борилган “Ўзбектелеком” АКга инвестицияларни жалб қилиш ва уларни самарадорлигини ошириш бўйича кўйидаги йуналишларда амалий ишларни олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

- 1.Инвестиция лойиҳасининг мукамал тайёрланишига ва малакали экспертдан ўтказилишига эришиш;
- 2.Интернет тармоғини жадал ривожлантириш орқали хорижий инвесторларнинг эркин ва тўлиқ ахборотлар олишини таъминлаш;
- 3.Замонавий технологиялардан унумли фойдаланиш орқали янги хизмат турларини жорий қилиш;
- 4.Жалб қилинган инвестициялар асосида асосий ишлаб чиқариш фондларини ишлатиш самарадорлигини ошириш.

Юқорида келтирилган тадбирларни амалга ошириш асосида мамлакатимиз телекоммуникация хизматлари бозори, қолаверса иқтисодётимизни ривожланишига асос яратилади. Бу ўз навбатида эса аҳолига янги хизматларни кўрсатиш ва уларни ахборот олишга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондиришга замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2011
2. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008й. 52-сон
3. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008й. 52-сон
4. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвесторлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари ва чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008й. 52-сон
5. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент: 2003й. 12 декабрь
6. Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент: 1999й. 20 август
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрел “Тўғридан-тўғри хусусий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009-йил 7-октябрдаги № ПФ-1200 сонли “Инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича чоралар тўғрисида”ги Фармони
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги инвестиция дастури тўғрисида”ги 28.10.2009й. ПҚ- 1213 Қарори
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ- 1668 сон Қарори
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги

- “Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2008 йил 24 июль, ПҚ-927-сон
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2007 йил, 20 июль, ПҚ-672-сон
14. Ўзбекистон Алоқа ва Ахборотлаштириш Агентлигини 2008 йил 3 сентябрда 258-сонли “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион лойиҳаларни ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги буйруғи
15. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Тошкент: Ўзбекистон, 2009
16. Каримов И.А. ”Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби”. Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
17. Каримов И.А. ”Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. Тошкент: Ўзбекистон, 2010
18. Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. Тошкент: Ўзбекистон, 2011
19. Каримов И.А. ”2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. Тошкент: Ўзбекистон, 2012
20. Абдурахмонов Қ.Х., Тоҳирова Х.Т., Бобонов Н.Х. “Хаёт фаолияти хавфсизлиги” Тошкент: Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети, 2006

- 21.Арипов А.Н., Иминов Т.К. “Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари менежменти масалалари” Тошкент: Фан ва технология, 2005
- 22.Бобомуродов Х.М., Синдаров Ш.Э. “Алоқа ва ахборотлаштириш иқтисодиёти”. Тошкент: ТАТУ, 2007
- 23.Вахобов А, Бурхонов У, Жумаев Н. “Чет мамлакатлар молияси” Тошкент: Янги аср авлоди, 2003
24. Вахобов А.В., Худойкулов З.Д., Муминов Н.Г.”Инвестициялар” ўқув қўлланмаси. Тошкент: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети, 2004
- 25.Жумаев Н, Бурхонов У. “Молиянинг долзарб муаммолари”. Тошкент: Янги аср авлоди, 2003
- 26.Жўраев А.С. ва бошқалар. “Инвестиция лойиҳалари таҳлили”: Ўқув қўлланма. Тошкент:Шарқ, 2003
- 27.Каримов Н., Ангелиди М. “Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш тизимида синдикат асосида кредитлаштириш”. Тошкент: Тошкент Молия институти, 2005
- 28.Козибеков Д.К. “Инвестицияларни молиялаштириш масалалари”. Тошкент: Меҳнат, 2003
- 29.Маренков Н.Л. “Основы управления инвестициями”: Учебник. Москва: Едиториал УРСС, 2003 г.
- 30.Мухитдинов Х.А. Ўзбекистонда ахборот - коммуникация технологиялари ҳолати ва истиқболи. Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. Тошкент: 2009, №5
- 31.Мухитдинов Х.А., Иминов О.К. Телекоммуникация хизматлари бозори ривожланишининг молиявий асослари. Тошкент: Академия, 2006
- 32.Носиров Э., Каримов Р. ”Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва инвестициялаш объектини танлашнинг замонавий усуллари”.Иқтисодиёт ва таълим, 2003, 4-сон.

- 33.Черкасов В.Е. “Международные инвестиции”: Учеб. Пособ.-2-е изд. Перераб. и доп.-Москва: Дело, 2003
- 34.“Инвестиционный потенциал Узбекистана” Х.Х. Имомов 3-й Международной научно-практической конференции г. Самара 20-21 ноября 2003
- 35.Сиддиқов А. “Саноат ишлаб чиқаришига йўналтирилган инвестиция маблағлари самарадорлиги”. Бозор, пул ва кредит , 2004 №7-8 сонлар
- 36.Собиров А.“Ўзбекистон Республикасига хорижлик инвесторларни жалб қилиш шакллари”. Иқтисодиёт ва таълим, 2011, 5-сон
- 37.“Солиқ ва божхона хабарлари” молиявий-иқтисодий газета. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси тўғрисида ахборот, 2006
- 38.Ўзбекистон Алоқа ва Ахборотлаштириш Агентлигини 2006-2011 йиллар учун молиявий ва статистик маълумотлари
- 39.Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси 2009-2011 йиллар учун статистик маълумотлари
- 40.“Ўзбектелеком” АКнинг йиллик ҳисоботлари.

Интернет тармоғи ресурслари

- 41.www.gov.uz
- 42.www.stat.uz
- 43.www.aci.uz
- 44.www.uztelecom.uz
- 45.www.infocom.uz
- 46.www.lex.uz

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

5340100 «Иқтисод» (алоқа ва ахборотлаштириш) йўналиши талабаси
Ражабов Акмал Жалиловичнинг “Телекоммуникация корхоналарида
инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолаш ва ошириш йўллари”
(“Ўзбектелеком”АК мисолида) мавзусидаги битирув малакавий ишига

РАЎБАР МУЛОЎАЗАСИ

Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация соҳаси халқ хўжалиги муҳитида ривожланиб бораётган асосий соҳалардан бири ҳисобланади. Алоқа корхоналарининг асосий қисми ўзлик маблағлари ва хорижий кредитлардан таркиб топган ҳамда тармоқда жалб қилинган инвестицияларнинг реализацияси шароитида салмоқли иқтисодий натижаларга эришиш, энг аввало биринчи даражали лойиҳаларни чуқур таҳлил қилишни ва оқилона ечимлар ишлаб чиқишни талаб этади.

Ушбу битирув малакавий ишда таҳлил олиб борилиб, у ўз ичига қўйидаги йўналишлари бўйича амалга ошириш мақсадларни олган.

- “Ўзбектелеком”АКга киритилган инвестицияларнинг ўзгариш динамикаси таҳлили;
- “Ўзбектелеком”АКга киритилган инвестициялар таркиби таҳлили;
- “Ўзбектелеком”АКнинг асосий фондига йўналтирилган инвестициялар таҳлили;
- Компанияга жалб қилинган инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолаш ва ошириш йўллари ёритиш.

Таҳлил йўналишлари бўйича алоҳида таҳлилий ишларини олиб борилди.

Умуман олганда битирув малакавий ишни бажаришда талаба Ражабов А.Ж. маълумотлар ҳажмини қайта ишлаб, улар асосида таҳлилларни амалга оширди.

Қуйидаги битирув малакавий иш тўлиқ тугатилган, ижобий баҳоланган бўлиб, битирув малакавий ишлар ёзилиши бўйича ДАКнинг қўйилган талабларга жавоб беради.

Ражабов А.Ж. 5340100 «Иқтисод» (алоқа ва ахборотлаштириш) йўналиши бўйича бакалавр даражасига муносиб.

“Матбуот тарқатувчи” АК

Бош директори

и.ф.н.

Нажбиддинов С.Ў.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

“Иқтисод ва бошқарув” факультети 111-08 Иу гуруҳ талабаси Ражабов Акмал Жалиловичнинг “Телекоммуникация корхоналарида инвестицияларнинг самара-дорлигини баҳолаш ва ошириш йўллари” (“Ўзбектелеком” АК мисолида) мавзусидаги битирув малакавий ишига

ТАҚРИЗ

Телекоммуникация соҳасига инвестициялар жалб қилишни фаоллаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш йўлларини излаш ҳозирги кунда нафақат соҳа, балки, мамлакатимиз иқтисодиёти олдида турган ва ижобий ҳал этиш жиҳатидан ҳам ўта долзарб масала ҳисобланади. Шу боис, А.Ж.Ражабов томонидан битирув-малакавий иши (БМИ) учун танланган мавзу телекоммуникация соҳаси учун катта аҳамиятга эга. Мазкур йўлларни илғай билиш, уларни ёритиш ва амалга ошириш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиш ўта муҳимдир.

Талаба А.Ж.Ражабовнинг битирув-малакавий иши ана шу долзарб мавзу бўйича ёзилган бўлиб, кириш, 4 та боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборатдир.

Муаллиф биринчи бобда телекоммуникация корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлашда инвестицияларнинг ўрни ва аҳамиятини, шунингдек, инвестициялар фаолиятини такомиллаштиришда хориж тажрибасидан фойдаланиш услубларини тадқиқ этган. Иккинчи бобда “Ўзбектелеком” АКга 2007-2010 йилларда киритилган инвестициялар таркиби ва асосий фондга йўналтирилган инвестициялар таҳлили амалга оширилган бўлиб, жалб қилинган инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолаш усуллари келтириб ўтилган. Компаниянинг молиявий ҳисоботлари асосида инвестицияларни қоплаш муддати ва умумий самарадорлик коэффицентлари ҳисоблаб чиқилган. Учинчи бобда телекоммуникация соҳага хорижий инвестициялар оқимини кучайтириш чоралари ва уларнинг самарадорлигини ошириш йўллари ҳақида мулоҳазалар келтирган. Якуний тўртинчи боб “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” масаласига қаратилиб, мавзуга алоқадор жиҳатлар баён этилган.

Мазкур БМИни ёзишда муаллиф ўзининг билими, тиришқоқлиги, назарий ва амалий ёндашувлар билан олиб борилишини намоён эта олган. Лекин шунга қарамай баъзи имловий хатолар ва амалий тажриба етишмаслиги кузатилади.

Юқоридаги камчиликларга қарамасдан БМИи тўлиқ намунали тугалланган ва унинг муаллифи Ражабов Акмал Жалиловични «Иқтисод» - 5340100 йўналиши бўйича бакалавр даражасига лойиқ деб ҳисоблайман.

“Ўзбектелеком” АК

**Халқаро ҳамкорлик ва операторлар
билан ишлаш департаменти
директори, МВА**

Х.Н.Салибаев

